ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАЙЛИК

Моҳир механизатор Мамажон Дадажонов айтганидек, терим машиналарини шай қилиб қўяйлик ◆ Механизатор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берайлик ◆ Машина теримига ажратилган майдонларни яхшилаб тайёрлайлик.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 164 (13.426).
22 июль 1968 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ — 30 МИНГ ТОННА

ШЎРЧИ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда Сурхондарё область пахтакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда 2500 дан ортиқ дала меҳнаткашлари — бригадирлар, сувчилар, механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз ва совхозларининг раҳбарлари қатнашдилар. Кенгашда Тожикистон пахтакорлари бригадаси ўзаро текширишининг якуни муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан Денов район партия комитетининг секретари Э. Мавлонов, «Комсомолобод» совхозининг директори Т. Муқимов, Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Б. Омонов, «Сурхон» совхозининг комплекс механизациялашган 60 центнерчи бригадаси бошлиғи Н. Худойкулов ва бошқа ўртоқлар мўл ҳосил етиштирмоқ учун ғўза парваришини август ойининг охиригача давом эттиришга чақирдилар.

Пахтакорларининг область кенгашида гектаридан 40 центнер ҳосил беришга бел боғлаган колхозлар, 55—60 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган бригадирлар, нигичка толали пахтанинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган бригадаларнинг янги мусобақа шартлари тасдиқланди.

Кенгаш иштирокчилари бу йил она-Ватанга илгари қабул қилинганидек 300 минг тонна эмас, балки 330 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга сўз бердилар.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Муродов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари областдаги барча пахтакорларга қарата мурожаат қабул қилдилар.



СИРДАРЁ областидаги машъал хўжалик — «Пахтаорол» совхозида ғўзани сунъий ёмғир ёғдириш йўли билан суғориш усулидан йил сайин тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Чапдаги суратда: совхоз далаларида ғўзани сунъий ёмғир ёғдириш усули билан суғорилаётганлигини кўриб турибсиз. Ўнгдаги суратда эса Андижон область, Хўжаобод районидаги Димитров номли колхознинг илғор тракторчиси Турсунбой Тожибоев. У культивация қилган ғўзалар мўл-кўл ҳосил тўпламоқда.

А. Тўраев ва Э. Жониқулов фотолари.

ҒЎЗА ЧЕКАНКА ҚИЛИНМОҚДА

ФАРҒОНА. (ЎзТАГ). Чигит барвақт экилиб, ҳар бир туп ғўзада 9-12 тадан ҳосил шохи ва қўплаб кўсак пайдо бўлган участкаларда ўсимликларни барвақт чеканка қилиш бошланди. Поп районидаги Ленин номли, Қува районидаги «Коммунизм» колхозлари ва бошқа илғор хўжаликларнинг деҳқонлари ҳосилнинг етилишини тезлаштиришга ёрдам берувчи ана шу муҳим агротехника тадбирини амалга оширишга биринчи бўлиб киришдилар.

Чеканка ҳамма жойда ҳар бир майдондаги ғўзаларнинг ривожланишига қараб табақалаштириб ўтказилмоқда. Мутахассислар ана шу иш билан шуғулланувчи барча пахтакорларни бевосита пахтазорнинг ўзида инструктаждан ўтказдилар.

КОММУНИСТЛАР МИНБАРИ

ҲАММА ПАХТА ДЕСИН!

Ўртоқ Мамажон Дадажоновнинг механизаторларга ёзган хати менинг қалбимни ҳам Амударедек тўлқинлантириб юборди. Қўлимга қалам олиб, ҳис-ҳаяжонимни ёзай дедим.

Мен иккам етмиш ёшдаман. Ўғил-қизли, невара-чеваралиман. Рўзғорим бут, турмушим ғўкин. Колхоздан пенсия оламан. Лекин, ҳамма далада, мардлар майдони — пахтазорда меҳнат қилаётганда, ҳовлида майда-чуйда ишлар билан қуйманиб юришни ўзимга эп кўрмадим. Далага чиқиб сувчиларга, трактўрчиларга қўлимдан келганча ёрдам бераман. Ҳосил тақдири ҳал қилинаётган, тоғ-тоғ ҳирмонларга замин тайёрланаётган ҳозирги дамларда ҳеч ким, ҳеч бир киши пахта фронтидан четда турмаслиги лозим.

Мени ташвишга солаётган яна шуки, гапнинг очиғини айтганда, ўтган йили колхозимиз ҳам, районимиз ҳам пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмади. Тўғриси бу аччиқ сабоқ хўжалигимиздаги барча деҳқонларга, айниқса, коммунистларга қаттиқ таъсир қилди. Ахир, бултур пахта йили бўлувди. Қўшни колхозлар, қўшни районлар, область, бутун республика пахта планини бажариб, ишни қойил қилиб қўйганда, биз қизариб ерга қараб юрдик. Шунинг учун бу йил ишни бўлакча бошлаганмиз. Машиналарга суяниб ишлаяпмиз. Ҳозир қишлоғимиздаги ҳамма коммунистлар, комсомоллар далада тер тўкиб, қолоқлик доғини ювишга ҳаракат қилмоқдалар. Мундоқ бир ўйлаб кўрайлик-а: Ёғоч—омочдан қудратли тракторгача, эвазига бункергача бўлган қанчаданқанча машаққатли йўлларни босиб ўтиб, пахта етиштиришнинг аниқ, кенг ва ойдин йўлига тушиб олганмиз. Ёшларимиз, айниқса Мамажон Дадажоновдек азамат механизаторларимиз деҳқончилик маданиятини янада юксакларга кўтараётган бир шароитда, кексалар қўл қовуштириб ўтиролмайди, албатта!

Она-Ватанга, партияга бу йил 3.315 тонна «оқ олтин» етказамиз, деб ваъда берган колхозимиз коммунистлари ҳамма майдонда мўл ҳосил тўплаш чораларини кўрмоқдалар. Ҳамма эрта тонгдан далага чиқиб кетса, қишлоқда бекор юришга уялади, киши. Яқинда даламизга кўп эмас, 5-7 киши келиб қўшилди. Улар коллектив ишига бир неча йилдан буён бош қўшмай ҳар ерларда «енгил иш» билан санқиб юрган Шариф Халилов, Бобо Давлатов, Беҳбуд Халилов ва бошқалар. Халқимизда, «от айланиб қозиғини топар» деган мақол бор. Юқоридаги ҳамқишлоқларимизнинг колхозга кўчиб келиб, далага чиқиши биз, коммунистларни, ҳатто колхоз правлениесини анча қувонтирди. Уларга колхоз янги уй-жой, томорқа ерлар ажратиб берди.

Биз, кекса коммунистлар, колхоз ветеранлари Ҳайит Саидов, Рўзи Бобоев, Раҳим Бобоев, Роҳила Панжиевалар меҳнат қилишдан, далаларда бўлиб пахтакорларга бирор маслаҳат беришдан ҳали тўхтаганимиз йўқ. Лекин афсуски, Қоринбой Жўраев, Мавлон Бобоев каби баъзи ҳамқишлоқларимиз соғ-саломат, меҳнат қилишга қурбилари етадиган бўлсалар-да, дала ишларига ҳанузгача қатнашмай келяптилар. Ўзинг туз ичиб турган қишлоқда меҳнатга қатнашмай турган кишини кўрсанг, афсус қиларкансан, уялар экансан, киши.

Партия, ҳукуматимизнинг шарофати билан далаларимизга бу йил Амударё суви келди. Экин-тикин, қўй-мол, эчки-улоқ, чорва сувга қонди. Областимиз кўксига жонажон ҳукуматимиз орден тақди. Меҳнат билан Ленин орденли бўлган Бухоромиз шарафи, унинг шаъни учун ҳар қачонгидан кўра яхшироқ меҳнат қилиш керак! Шундай бахт-саодатга меҳнат, ташаббус туфайли эришдик. Машинага таяниб, ҳамма ишни механизация зиммасига юкламоқдамиз. Бизнинг колхозимиздаги барча коммунистлар буни яхши тушунадилар. Ҳозир чопиқ тракторларидан тўғри, унумли фойдаланиш, пахта териш машиналарининг ремонтини ўз вақтида бекамі-кўст ўтказиш чораларини кўрмоқдалар. 500 гектардан ортиқ майдондаги пахта машинада терилади. Механизаторлар шу жойларда ғўзани машинабоп қилиб ўстириш, эгатларга сувни бир хил тарашга эришмоқдалар. Улар айни вақтда эгатларни сув ювиб кетишининг олдини олмоқдалар. Ғўзани бегона ўтдан холи қилиб, машинага мослаб ўстираётирлар.

Биз, кекса коммунистлар ёш пахтакорларга, коммунист ва комсомолларга дала ишларида қўлимиздан келганча кўмаклашиб, қўёшли республикамизнинг 3 миллион 750 минг тоннали баланд «оқ олтин» хирмони учун муносиб ҳисса қўшмоқдамиз. Мен 30 дан ортиқ қишлоқ қарияларини, кекса коммунистларни йиғиб, улар билан дала ишларида қатнашяпман. Бизнинг ҳиммат-имиздан ҳамма хурсанд бўляпти.

Ҳар бир колхоз, совхозда, ҳар бир қишлоқда бизга ўхшаган қариялар, кекса коммунистлар бор. Қари билганни пари билмас дейишади. Ҳа деган туяга мадад. Ҳеч бўлмаса, далага чиқиб ҳорма, бор бўл деб турсак ҳам бизни кўрган ёшлар белларига ғайрат камарини маҳкамроқ боғлаб ишлайдилар. Борди-ю, қурбимиз етганича кўмаклашсак, тағин ҳам соз бўлади.

Умрингдан барака топкур ўғлим Мамажон Дадажонов ҳаммамизнинг юрагимизда бор гапларни ёзибди. Отасига раҳмат бу шунқор йигитнинг. Узининг ғўзал, қадрдон қишлоғидан, жаннатдан қолишмайдиган Фарғона водийсидан Мирзачўлга келибдими, шу ҳимматининг ўзи бир қаҳрамонлик. Тенгдошларини, механизаторларни машинани яхшилаб эгарлаб олишга чақиргани тағин яхши!

Ҳамма пахта десин, ҳамма машина десин! Мен, кекса бир коммунист шундай деб ўйлайман. Тенгқурларимни, кекса ва ёш коммунистларни республикамизнинг шон-шарафини тағин ҳам ошириш, ота касбимизни улуғлаш учун мардона меҳнат қилишга чақираман.

Болта ЭЛЛИЕВ,
Бухоро область, Ромитан районидаги Киров номли колхоз аъзоси, кекса большевик.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

А. Н. КОСИГИН МАРОКАШ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ М. ШЕРКАУИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 21 июлда Марокаш қироллиги ташқи ишлар министри М. Шеркауини қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда Совет томонидан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва СССР Ташқи ишлар министрлиги 1-Африка бўлимининг мудири А. А. Шведов, Марокаш томонидан Марокашнинг СССРдаги элчиси А. Элфасси қатнашдилар. (ТАСС).

САМИМИЙ ҲАМДАРДЛИК

Непалнинг бошига табиий офат тушиб, мамлакатнинг ғарбий районларида зилзила бўлганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Непал короли Махендра номига телеграмма юбориб, совет халқи номидан Непал халқи ва ҳукуматига самимий ҳамдардлик изҳор қилди. Телеграммада зилзила натижасида ҳалок бўлган ва зарар кўрган кишиларнинг оилаларига чуқур таъзия билдирилади ва ҳамдардлик изҳор қилинади. (ТАСС).

1896 ЙИЛДАН КПСС АЪЗОСИ ЎРТОҚ Ф. Н. ПЕТРОВ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Коммунистик партия ва совет давлати олдидаги хизматлари учун ва туғилган кунига тўқсон йил тўлганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми 1896 йилдан КПСС аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Федор Николаевич Петровни Ленин ордени билан мукофотлади. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-125» ПАРВОЗДА

1966 йил 20 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-125» учирилди.

Йўлдош ичига, ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

ВЬЕТНАМ ЕНГАДИ

ВЬЕТНАМ, СЕН БИЛАН БИРГАМИЗ!

«Вьетнам, сен билан биргамиз! Яшасин Совет — Вьетнам дўстлиги!» Тошкентдаги пахтачилик саноати марказий илмий тадқиқот институтининг конференц-зали 20 июлда ана шу шиорлар билан безатилган эди. Вьетнам халқаро куни ва Вьетнам масаласи юзасидан Женевада тузилган битимларнинг 12 йиллиги муносабати билан бу ерда митинг бўлди. Митингда бир неча минг киши қатнашди.

Лаборатория раҳбари В. Россинский минбарга чиқади.

— Женева битимларини сурбетларча поймол этаётган АҚШ ҳукумати, — деди у, — Вьетнам тупроғида қонунга хилоф қилаётган ҳаракатлари учун жавоб бериши керак. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам вьетнамлик қардошларимиз билан астойдил биргадирлар ва уларга ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатишга доим тайёрдирлар.

Аспирант Л. Мусохўжаев, институтнинг бош мутахассиси П. Федоров, экспериментал устахоналарнинг мастери М. Тиҳомиров Американинг Вьетнамдаги агрессиясини дарҳол тўхтатишни қатъий талаб қилдилар. Улар Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Бухарест кенгашининг баёнотини қизғин маъқуллардилар. Бу баёнот қутириб кетган империалистларга жиддий огоҳлантиришдир.

Тошкент университетнинг вьетнамлик студенти Май Тхун Нгой ўз халқининг ҳаёти ва кураши тўғрисида митинг қатнашчиларига сўзлаб берди. У курашаётган Вьетнам билан самимий дўстлиги ва бирдамлиги учун Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларига, барча совет кишиларига чин кўнгилдан ташаккур айтди.

Митингда якдиллик билан қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади:

— Биз АҚШнинг Вьетнамдаги империалистик снёсатини қаҳр-ғазаб билан қоралаймиз. Биз Вьетнам халқининг ғалаба қозонишига аминмиз. Социализмнинг қудратли қучлари, бутун прогрессив инсоният Вьетнам халқини қўллаб-қувватлайди. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛСИН!

БУХОРО. (ЎзТАГ). Бухородаги «Партия XVI съезди» тикувчилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Вьетнам билан халқаро бирдамлик кунида Америка ҳарбийларининг иғвогарлик ҳаракатларига қарши норозилик билдирдилар. Шу муносабат билан ўтказилган митингда иккинчи цехнинг бошлиғи А. Хачилян биринчи бўлиб сўзлайди.

— Мен,— деди ишчи Р. Сандова ўз нутқида,—тўрт боланинг онасиман ва ер юзида осойишталик бўлишини истайман. Ана шундай осойишталикка эришмоқ учун, миллионларча кишиларнинг тинч яшаши учун Вьетнам тупроғида Америка империалистларининг жиноятларига чек қўйиш керак. Митингда мастер Г. Романов, моторист А. Радченко ва бошқа ишчилар ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган мард Вьетнам халқига қардошлик саломини йўлладилар.

Бугун химия ва энергетика шаҳри Навоийда, Бухоро областининг кўпгина корхоналари ва колхозларида ўтказилган митингларнинг қатнашчилари ҳам Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини билдирдилар.

КУРАШ ОХИРГИ ҒАЛАБАГАЧА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

ХАНОЙ, 20 июль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг марказий комитети Вьетнамга доир 1954 йилги Женева битимлари имзоланган кунга 12 йил тўлганлиги муносабати билан Жанубий Вьетнамнинг озодлик йўлида курашаётган барча қуролли кучларига, бутун халқига мурожаат қилиб, уларни Америка агрессорларини батамом тор-мор келтирмоқ учун ҳамма қийинчиликларни енгишга чақирди.

Жанубий Вьетнамнинг 14 миллионли халқи, дейилади миллий озодлик фронти марказий комитетининг ВИА агентлиги томонидан эълон қилинган мурожаатида, ўзининг яшаш, озодликка эга бўлиш ва бахтли турмуш қуриш ҳуқуқини сақлаб қолмоқ учун Америка агрессорларига ва уларнинг малайлари бўлган хоинлар тўдасига қарши курашга қўзғолди.

Жанубий Вьетнам халқи ва озодлик армияси беҳисоб қийинчиликларни ва маҳрумликларни енгиб, дейилади мурожаатда, кетма-кет ғалаба қозонмоқда. Улар Америка игодиндьемчилар фашист ва диктаторлик режимининг негизи бўлган «стратегия манзилгоҳларини» яксон қилдилар. Қўшма Штатларни ва уларнинг қўғирчоқларини 1965—1966 йиллардаги қурғоқ мавсуми даврида мағлубиятга учратдилар; жанг майдонида ташаббусни асло қўлдан бермаётирлар: Америка империалистларининг агрессив урушни кучайтириш ва кенгайтириш планларини барбод қилмоқдалар; улар империалистларнинг энг қудратли ва замонавий армияси бўлган Америка экспедицион армияси билан тўқнашувларнинг биринчи даврасида ютиб чиқдилар.

Америка империалистлари, дейилади мурожаатда, тобора кўпроқ яккаланиб қолмоқдалар, ботқоққа тобора чуқурроқ ботмоқдалар ва тобора боши берк кўчага кириб қолмоқдалар. Уларни бутун дунё қораламоқда. Америка империалистларининг ўзлари Вьетнамга қарши олиб бораётган урушда батамом мағлубиятга учрашлари, жанубий Вьетнам қўғирчоқ армиясининг ва маъмуриятининг буткул барбод бўлиши ва тарқалиб кетиши муқаррар.

Америка агрессорлари оғир мағлубиятларга учраётганликларига қарамай, дейилади миллий озодлик фронти марказий комитетининг мурожаатида, ҳали ҳам Жанубий Вьетнамга қаттиқ ёпишиб турибдилар. Жанубий Вьетнамдаги ўзларининг агрессив урушларини зўр бериб кучайтирмоқдалар ва шимолга қарши урушни кенгайтирмоқдалар. Шу билан бирга, улар жамоатчиликни лақиллатмоқ учун «сулҳ музокаралари» бошлаш тўғрисида тинмай вайсамоқдалар. Улар мамлакатимизнинг ҳар иккала зонасида уруш олиб боришнинг энг ваҳшёна методларини қўллаётганлиги ва энг қабиҳ макрли найрангларни ишлатмоқдалар.

Ҳозирги вақтда, дейилади мурожаатда, Қўшма Штатларнинг ва малайларининг 300 минг солдати Жанубий Вьетнамнинг далаларини ва боғларини оёқ ости қилмоқдалар, халқимизни кўплаб қириш учун тўп-замбаракларни, самолётлар, танклар, напалм бомбаларни, заҳарловчи химиявий моддаларни ишлатмоқдалар, халқимизнинг мол-мулкини таламоқдалар, уйларини ёндирмоқдалар, будда ибодатхоналарини, черковлар ва жомиъларини емирмоқдалар, мактабларга бомбалар ташламоқдалар ва жонажон мамлакатимизни вайрон қилмоқдалар. Тхиеу билан Кининг сотқин тўдаси ота-боболаримизнинг тинимсиз меҳнати билан бунёдга келтирилган гўзал мамлакатимизни Америка агрессорларига сотмоқда. Бироқ, улар ҳар қанча найранг ишлатсалар ҳам ва ҳар қанча қабиҳ режаларни тузсалар ҳам, дейилади миллий озодлик фронти марказий комитетининг мурожаатида, бизни чекинишга мажбур қилолмайдилар. Америка империалистлари Жанубий Вьетнамда агрессив урушни давом эттираверсалар, Жанубий Вьетнам халқи уларга охиргача қаршилик кўрсатаверади.

Биз, дейилади мурожаатда, курашнинг узоқ давом этишидан ҳам, қийинчиликлар ва маҳрумликлардан ҳам қўрқмаймиз. Америка империалистларининг агрессиясини барбод қилишга, жанубни озод қилмоқ, шимолнинг мудофаасига кўмаклашмоқ, Жанубий Вьетнамнинг демократик, тинч ва бетараф мамлакат бўлиб қолишига эришмоқ ва мамлакатни қайта бирлаштирмоқ учун қўғирчоқ режимни ағдариб ташлашга маҳкам бел боғлаганмиз.

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг марказий комитети озодлик армиясининг офицерлари ва солдатларига, партизанларга, деҳқонларга, ишчиларга, Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларида ва душман вақтинча контроль қилиб турган районларда яшаб турган аҳолининг ҳамма табақаларига мурожаат қилиб, уларни Америка интервенциячиларига ва шу интервенциячиларнинг малайлари бўлган Тхиеу билан Кининг қўғирчоқ фашист режимига қарши курашни кучайтиришга чақиради.

Фақат шу йўл билангина, дейилади мурожаатда, халқимиз миллий мустақилликка демократик эркинликларга, тинчликка ва турмуш шароитини яхшилашга эриша олади.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ТАРАДДУД

Андижон областидаги «Гулбоғ» пахта тозалаш заводининг меҳнаткашлари янги пахта ҳосилини қабул қилиб олишга жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Заводда пахта қабул қилиб оладиган асбоб-ускуналар ремонт қилиб бўлинди. Қисқа муддатда 21 та транспортер, 15 та машина, 2 та 25 тонна ва 1 та 10 тонна юк кўтара оладиган тарози ремонт қилинди. 27 та майдонча асфальтлаб қўйилди.

Б. МАҲМУДОВ.

ТЕЖАМ ҲИСОБИГА

Бухоро ремонт механика заводи коллективи ишлаб чиқарган маҳсулотлар Владивосток, Урал, Хабаровск геологларининг ҳам оғирини енгил қилмоқда. Корхона маҳсулотлари нефть ва газ конларини қидирувчиларга манзур бўляпти. Корхона аъзоматлари металл ва бошқа материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш мусобақасида қувончли натижаларга эришаётирлар. Кейинги олти ойда 37 тонна металл, 18 минг киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Б. ҚУТЛИЕВ.

ҚАЛДИРҒОЧ ПАЙВАНДЧИ

Турдихон Аҳмедова ўзбек хотин-қизларидан чиққан биринчи электр пайвандчи ҳисобланади. У ҳозир «Ўзбекнефть» бирлашмасига қарашли Чимён ремонт-механика заводида ишламоқда. У кўпгина шогирдлар етиштирган.

Ғ. ЛАТИФ.

Қўқон шаҳри.

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ МУКОФОТИ

Олтин юлдуз кавалери

Фарғонадан яна бир қаҳрамон чиқди. Қорачадан келган, ўрта бўйли, киприклари узун, қорақўз, тиниб-тинчимайдиган бу кишининг довруғи водийда кенг таралган. Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида ишлайди. Ишлаганда ҳам бошқаларга намуна кўрсатиб ишлайди. Унга кўплар ҳавас қилади.

Келинг, водийнинг янги қаҳрамони билан батафсил танишиб қолинг. Бундан 21 йил муқаддам республикамиз химия корхоналарининг энг кексаси бўлган Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводига оддий ишчи бўлиб келди. Оператор ёрдамчиси бўлиб хизмат қилди. Сал ўтмай, операторликни унга ишониб топширишди. Бир йилдан кейин бош оператор лавозимига кўтарилди. 15 йилдирки, мураккаб установкани бошқармоқда.

Республикамиз химия саноатини ривожлантириш соҳасидаги хизматларини тақдирлаб партия ва ҳукуматимиз Аҳмаджон Азимбоевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди. Оддий деҳқон ўғлининг кўксида Олтин Юлдуз медали ва Ленин ордени порлаб турибди. Бу унинг кўп йиллик баракали меҳнати эвазига берилган мукофот. Аҳмаджон Азимбоев шу корхонадаги барча янгиликларнинг жонли гувоҳи. Техника тараққиёти учун кураш, янги техника ва илғор технологияни ўзлаштириш, яхши тажрибаларни оммалаштиришда эришилган янгиликларнинг барчаси унинг кўз олдида намоён бўлди.

1965 йилгача корхонада эски типдаги установкалардан фойдаланиларди. Нефтдан бензин, керосин, дизель ёнилғиси каби маҳсулотлар эски усулда ажратиб олинарди. Аҳмаджоннинг мавжуд установкаларни автоматлаштириш, такомиллаштиришга қаратилган 30 дан ортиқ рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилган. Ўтган йилдан бошлаб заводдаги установкалар янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Ишлаб чиқаришнинг кўпгина жараёнлари автоматлаштирилди.

Аҳмаджон ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун олиб борилган кураш жараёнида пишди, вояга етди, чиниқди. Бунинг учун у устозларидан бир умрга миннатдор. Марҳум оператор Тошмат ака ҳамиша унинг ёдида. Установкалар ишини бошқаришни илк бор ўша кишидан ўрганган. Пенсионер Павел Клиновъ, Григорий Кузменколар ҳам Аҳмаджоннинг тажрибали оператор бўлиб етишишига ёрдам берган, билганларини бажонидил ўргатишган.

Дарвоқе, энди Аҳмаджоннинг ўзи устоз. Қўлида тарбия кўрган оператор Алижон Назаров ҳам меҳнатда ажойиб муваффақиятларга эришмоқда. Устозига қаҳрамонлик унвони берилган куни Алижон ҳам Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Абдураҳмон Тошқўлатов Аҳмаджон билан мактабдош ўртоқ. Ўтган йили 5-цехда установка бошлиғи бўлди. Унга ҳам Аҳмаджон устоз бўлган. Абдусалом Маматожиев корхонага келганида касбсиз эди. Яқинда корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими диспетчерлиги вазифасига тайинланди. У ҳам устозидан хурсанд. Анатолий Мезенцев, Леонид Абмаев ҳам Аҳмаджондан иш ўрганиб, энг яхши операторлар қаторидан ўрин олишди.

Аҳмаджон илғорликни қўлдан бермаслик, ўз билими ва маҳоратини ошириш устида қунт билан ишламоқда. Завод ҳузурида очилган кечки техникумда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, уни муваффақиятли битирди. Аҳмаджон Азимбоев бошлиқ установканинг катта коллективи коммунистик меҳнат мусобақаси голибларидан. Ойлик топшириқларни бу коллектив 110-120 процентдан бажариб келмоқда.

Аҳмаджон тиниб-тинчимайдиган кишилардан. У маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун курашиб толмайдиган мутахассис. Шунингдек у корхонанинг оммавий-сиёсий, маданий-оқартув, ташкилий-тарбиявий ишларида ҳам актив иштирок этади. Корхона касаба союз комитети раисининг ўринбосари, цех партия комитетининг бюро аъзоси, пропагандист. Кечагина ишчи-хизматчиларнинг болаларини олий ўқув юртига жўнатишга аралашиб юрувди. Бугун завод касаба союз комитетининг ўринбосари сифатида 200 болани лагерга кузатиб келди. Касаба союз ташкилотчисига хос ғамхўрлик унинг энг яхши хислатларидан. Аҳмаджон етти фарзандининг отаси. Тўнғич қизи Ҳайриннисо 10- синфни тугатди. У врач бўлмоқчи. Ўғиллари Абдураҳим 6- синфни, Абдусаттор 5- синфни, қизи Шарофат 1- синфни тугатишди. У фарзандларига фақат меҳнат билан эл ишончини қозониб, одамларга манзур бўлиш, обрў-эътибор топиш мумкинлигини уқтиради.

Республикамиз нефть саноати корхоналарининг тўнғичи ҳисобланган Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи установкасининг бошлиғи Аҳмаджон Азимбоев партия ва ҳукуматимизнинг олий мукофотига жавобан янада ғайрат билан ишламоқда. У қутлуғ беш йиллигимизнинг муваффақиятли якунланиши учун бошланган кураш мусобақасида ҳамиша байроқдор бўлишига ишончимиз комил.

Т. АЗИЗОВ,
Ж. МАМАДОЛИМОВ,
Фарғона области.



«Ташсельмаш» заводи ҳар куни республиканинг колхоз ва совхозларига «ХТ-1,2» маркали пахта териш машиналари жўнатмоқда. Завод коллективи йил охиригача бундай машиналардан 8 мингтасини тайёрлаб бериш учун курашмоқда. Суратда: пахта териш машиналари жўнатилиш олдида.

И. Глауберзон фотоси.

ЯНГИ АНЪАНАЛАР

ЯХШИ БОР ЎҒЛОН

Яқин-яқинларда ҳам қишлоғимизда бирор йигит ҳарбий хизматга чақирилса, ота-оналар анча ташвиш тортар эдилар. Ёшу-қариллар ҳарбий комиссариатнинг даргозаси олдида тўпланардилар.

«Политотдел» колхозининг партия ва комсомол ташкилоти мана шу масалани ўйлаб кўриб, меҳнаткашлар муҳокамасига ташлади. Ҳамма ўз фикрини айтди. Колхоз кексалари, ҳарбий хизматга болаларимизни тўй қилиб жўнатишимиз керак, дедилар. Комсомол ташкилоти тўй-томошаларни, тантанали маросимларни, ўйин-кулги, музика, ашула билан ўтказишни ўз зиммасига олди.

Колхознинг «Коммунизм» участкасида яшовчи Серикбой Сафарбоев ўғли Омонбойни ҳарбий хизматга биринчи бўлиб тўй қилиб жўнатди. Колхозда тракторчи бўлиб ишлаган Омонбойнинг тенгқурлари ажойиб совға тайёрлашди. Дастурхон колхоз пазандалари пиширишган нозу-неъматлар билан безатилди. Қишлоқ қизлари, тенгдошлари армия сафида яхши хизмат қилиб, обрў, ҳурмат билан қайтиб келсин, деб лапар, қўшиқлар айтишди. Қишлоқдаги ота-оналарнинг Омонжонга атаб айтган ўланлари қалбларга ором бағишлади.

Тўй ўтгандан кейин колхоз правлениеси Армия сафига кетаётганларни катта клубга тўплади. Сафарга йўл олганларга чемодан ва солдатлар учун зарур, бошқа буюмлар, совға-саломлар тайёрлаб, йигитларга топширди.

Колхоз мактабининг болалари йигитларга гуллар тақдим қилишди. Ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари эса концерт қўйиб бердилар. Шундан кейин колхозчилар автобусларда, енгил машиналарда йигитларни вокзалгача кузатиб чиқдилар. Бу воқеа ўтган йили бўлган эди.

Бу анъана қишлоқнинг ёшу-кексасига манзур бўлди.

БАХТ САРОЙИДА ТЎЙ

Колхозда яқинда Бахт саройининг очилиш маросими ўтказилди. Бу ердаги мактаб ўқитувчиси Вячеслав Ким билан рус тили ва адабиёти институтининг студенткаси Светлана Югайнинг комсомол тўйи бўлди. Қишлоқ бўйлаб қўшиқ янгради. Узоқ-яқинлардан енгил машиналарда меҳмонлар кела бошладилар. Биргина колхоздангина эмас, Москва, Ленинград, Самарқанд шаҳарларидан ҳам меҳмонлар келишди.

Янги мебеллар билан безатилган «Бахт уйи»ни кўрган кексаларнинг қувончини тасвирлашга сўз топилмайди. Кексалар тўйнинг ҳусни бўлиб, алоҳида безатилган столда қувнаб ўтиришди. Колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ашула айтиб, ўйнадилар, музика чалдилар.

Р. ИСҲОҚОВ.
Тошкент области.

ОҒИЗДАМАС, АМАЛДА БЎЛСИН!

Коммунал-маиший хизмат — бу энг муҳим, энг масъулиятли ишдир. Меҳнаткашларнинг моддий-маиший эҳтиёжлари қанчалик тўла қондирилса, уларнинг баракали меҳнат қилиши ва дам олиши учун кенг имкониятлар очилади.

Кейинги йилларда Сурхон водийсининг шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашларга коммунал-маиший хизмат кўрсатиш иши анча яхшиланди. Ўтган йилнинг ўзида областда 80 дан знёд маиший хизмат кўрсатиш устахонаси ва ателъелари ишга туширилди.

Областдаги қатор колхозларда худди шаҳардагидек қулайликлар бор, деса бўлади. Уларда магазинлар, ишхоналар, новвойхоналар, болалар муассасалари, кинотеатрлар, маиший хизмат кўрсатиш устахоналарига эга бўлган шаҳар типидаги посёлкалар бор. Бу йил 10 колхоз ва 10 совхозда водопровод қуриш, 17 минг қишлоқ хонадонини газлаштириш планлаштирилган.

Бироқ, меҳнаткашларга, хусусан қишлоқ аҳолисига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ҳали талаб-эҳтиёжларга тўла жавоб бермайди. Уларнинг турмуш маданияти эришилган моддий ва иқтисодий фаровонликдан орқада қолмоқда. Ўтган йили область колхозлари 128 миллион сўм даромад олди. Совхозлар ҳам 2,6 миллион сўм фойда кўрдилар. Илғор хўжаликларнинг ҳар бири 4-6 миллион сўм даромадга эга бўлдилар. Ҳар бир иш кунининг қадр-қиммати ошиб, 5-7 сўмга тўғри келди. Қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти фаровон бўлиб қолди. Кўпчилик хўжаликлар 3-4 минг сўмлаб иш ҳақи олдилар.

Областдаги маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг асосий қисми район ва шаҳар марказларида жойлашган бўлиб, аҳоли рўзғор ашёлари ва буюмларини ремонт қилдириш учун кўп вақт сарфлаб, район марказларига қатнашга мажбур бўлмоқда. Айрим район марказлари, қишлоқлари посёлкалари ва йирик хўжаликларда водопровод ва ҳаммомлар йўқ. Областдаги 26 та колхоз бирорта ҳам маиший хизмат кўрсатиш тармоғига эга эмас.

Областда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш ўтган йили ўрта ҳисобда ҳар бир одам бошига 3 сўм 30 тийинни ташкил этди. Термиз районида эса бор-йўғи 1 сўм 20 тийинга тўғри келди. Колхозларнинг кўпида ишхона, новвойхоналар йўқ. Қишлоқ жойларидаги 619 та мактаб ҳанузгача электрлаштирилган эмас.

Аҳолига савдо ва медицина хизмати кўрсатиш ҳам ачинарли аҳволда. Ўтган йили жойларда савдо объектлари қу-

КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАЙЛИК!

риш учун ажратилган 87 минг сўмнинг 75 процента фойдаланилмай қолди. Шаҳар ва район марказларини ободонлаштириш учун республика ҳукумати ажратган 890 минг сўмдан 712 минг сўми, коммунал хўжалиги учун берилган 182 минг сўм маблағдан тенг ярми фойдаланилмай қолиб кетди.

Биз Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозида бўлганимизда колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Эсонов ачиниб бундай деди:

— Колхозимиз ўтган йили 4,5 миллион сўм даромад қилди. Колхозчиларнинг ҳар бир иш кунига ўрта ҳисобда 4-6 сўм ҳақ тўланди. Айрим хўжаликлар 5-6 минг сўм даромад қилдилар. Аммо, қишлоқ аҳолиси ўз пулларига районимиздаги савдо тармоқларидан энг зарур уй-рўзғор ва маданий товарларни топа олмай, Дўшанба, Тошкент ва бошқа шаҳарларга бориб келишга мажбур бўлмоқдалар. Айрим хонадонлар эса йил-ўн икки ой тер тўкиб топган пулларини нимага сарфлашни билмай, катта исрофгарчилик тўйлари ўтказиб совуриб юборадилар. Моддий ҳаёт фаровон-у, лекин маданий ҳаёт, турмуш маданияти анчагина онларда эскича қолиб келмоқда...

Кўпгина колхоз правлениелари, совхоз маъмуриятлари қишлоқ аҳолисига моддий-маиший хизмат кўрсатиш ишидан ўзларини четга тортиб келяптилар. Шеробод даштларини ўзлаштираётган чўлқуварларга энг зарур моддий-маиший шароитлар ҳам яратилмаган. Ишчилар ётоқхоналари ифлос, водопровод ва канализация йўқ. иссиқ овқат ташкил этилмаган. Шу сабабли ишчиларнинг қунимсизлиги мавжуд, ёш мутахассислар ишдан кетиб қолишга мажбур бўлмоқдалар.

Область коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш область бошқармаси ўз олдиларида турган муҳим вазифаларни уддалай олмаяпти. Кўпчилик ҳолларда аҳоли талаб-эҳтиёжлари ўз вақтида бажарилмайди, ремонт ва заказлар кечикиб, пала-партиш ва сифатсиз бажарилади. Коммунал хўжалиги раҳбар ходимларига квартира ремонти ҳақида қишда берилган аризалар ёзга бориб бажарилади. Маиший хизмат устахоналари кўпинча қулф туради, меҳнаткашларга ноқулай бўлган соатларда ишлайди! Бунинг устига устахоналарнинг кўпчилиги меҳнаткашларни алдаш, улардан кўпроқ ҳақ олиб қолиш томонига ўтиб олганлар. Халқ контроли органлари эса маиший-коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши билан қизиқмаяптилар.

Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш кадрлари тайёрлаш ҳам жуда ачинарли аҳволда. Ўтган йили бичиқчи, этикдўз, сартарош ва бошқалар бўлиб, 50 киши қисқа муддатли курсларда ўқиди, холос. Шуни ҳам айтиш керакки, айрим жойларда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун бинолар берилмайди, баъзи районларда эса уларнинг ўз биноларини ҳам тортиб оляптилар. Масалан, Денов, Сариосиё ва Шеробод районларидаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатларининг биноларини бошқа муассасалар эгаллаб олди.

1966 йилда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш учун қарийб 6 миллион сўм сарфланади. Бу ўтган йилдагидан уч баравар кўпдир. Меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш ҳам 1965 йилга нисбатан 33,5 процентга кўпайтирилади.

Бироқ, янги беш йилликнинг дастлабки йилига белгиланган вазифалар, қилинаётган ишларга мос келмаяпти. Область партия-совет ташкилотлари коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, бошлиқларидан, айрим район раҳбарларидан етарли масъулият талаб қилмаяптилар. Бундан фойдаланган баъзи нощуд раҳбарлар ҳамма ишни оғизда дўндириб қўймоқдалар. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор районларнинг раҳбарлари коммунал-маиший хизмат кўрсатишга иккинчи даражали иш деб қараб келяптилар.

Одамлар ҳақида, совет кишиларининг моддий-маънавий ва турмуш маданияти ҳақида қайғуриш барча раҳбарларнинг энг муҳим ишидир. Шу туфайли меҳнаткашларга коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ишни оғизда эмас, амалда бажариш керак!

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТОШКЕНТНИНГ АСОСИЙ ЮК ДАРВОЗАСИ

Москвалик монтажчилар Собир Раҳимов станциясида 19 июлда дастлабки жуда кучли кранларни синаб кўришди.

Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг биринчи ўринбосари В. Приклонский ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди.

— Бу ерда мамлакатда энг йирик юк хўжалиги барпо этилди. Станциянинг кўламини аниқроқ тасаввур этмоқ учун уни биронта бошқа юк хўжалиги билан таққослаб кўрса бўлади. Собир Раҳимов станцияси ўзининг майдони, машина-ускуналар билан таъминланганлиги, иш ҳажми жиҳатидан Ўрта Осиё темир йўлида мавжуд барча юк ортиш ва туширишқўраларини бирга қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан каттадир.

Собир Раҳимов станциясини реконструкция қилиш иши Тошкент узелида юк оборотининг умуман кўпайганлиги муносабати билан ва албатта, Тошкентда зилзила оқибатларини тўғатиш учун зарур бўлган жуда кўп миқдордаги бинокорлик материаллари ва конструкцияларни қабул қилиб олишни таъминлаш учун амалга оширилди. Бу ерда ғишт, цемент, йиғма панелларни бўшатиш учун ихтисослаштирилган участкалар барпо этилаётганлиги бежиз эмас.

Юкларни бўшатиш ва ортиш ишини тўртоёқ ва башняли кранлар, транспортёрлар, электр погрузчиклар бажаради.

Тошкентнинг янги юк дарвозалари бир суткада минг вагонни қабул қилиб олиши мумкин. Бу комплекс корхоналари юз гектар майдонни эгаллайди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Конвертларни очганда

Редакция кеча 50 хат, 5 фотосурат олди.

ИЛЬИЧ НУРИ

Жиззах районидаги «Зарафшон» колхозининг Кўтарма қишлоғидаги хонадонларда «зангори экран»лар порлаб турибди. Фақат шу йилнинг ўзида ўнлаб колхозчилар телевизорлар сотиб олдилар.

Е. МАМАРАҲИМОВ.

«МОСКВИЧ» МУБОРАК

Олтиариқдаги «Риштон» пахтачилик совхозининг ишчиси Ҳомиджон Охунов Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереясининг яқинда ўтказилган ютуқлар тиражида 30 тийинлик билетга «Москвич» енгил машинаси ютди. Нарпай районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси Н. Саидовнинг билетига эса «Рекорд» телевизори чиқди.

Н. ИБРОҲИМОВ.
Э. ХОЛМУРОДОВ.

ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Киров номли совхозда 25 ўринли касалхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан Пайариқ районидаги барча колхоз ва совхозлар ўз медицина муассасаларига эга бўлди.

Л. МАМАСОЛИЕВ.

КОЛХОЗЧИЛАР МИННАТДОР

Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхозда қурилган болалар боғчаси ўз боғрига 60 болани олди. Шу райондаги Ленин номли колхозда қад кўтарган кинотеатр биносида меҳнаткашларга турли кинофильмлар кўрсатилмоқда.

С. МАШАРИПОВ,
Ш. ИСМОИЛОВ.

ТАБАРРУК ОНА

ИЗБОСКАН, (телефон орқали). «Пахтаобод» колхози меҳнат аҳли Баҳринисо она Отахоновани 103 ёшга кириши муносабати билан муборакбод қилишди. Унинг 61 невара, чевара, эвараси бор.

САНЪАТКОРЛАРГА БАЛЛИ

СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигида Ўзбекистон ССР «Баҳор» давлат ансамбли коллективи Ленинградда ўз гастролларини давом эттирмоқда. Концерт томошабиларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Ш. САИДОВ.
Э. РАҲМАТАЛИЕВ.
Н-қисм солдатлари.

Газетхонлардан Н. Ортиқов, Н. Ғуломов (Тошкент), А. Файзуллаев (Оҳангарон), Ж. Ортиқов (Ургут), М. Акбаров, У. Алиев (Фарғона), Ф. Остонов (Қоракўл), И. Исмоилов (Урганч), Х. Яҳёев (Ўш), Х. Тожнаҳмедов (Калинин шаҳри), М. Юсуфалиев (Конибодом), К. Алиматов, (Н-бўлинма), Р. Худойбердиев (Ғузор) ўртоқларнинг хат-хабарларида ҳам юқоридаги каби фактлар келтирилган.

МУРОСАСИЗЛАР СИГНАЛИ

ДЎКОНДА... КИНО

Ҳа, ажабланманг! Бизнинг участкамизга кино келгудай бўлса, тўппа-тўғри эски дўконга кириб бораверамиз. Ахир, клуб йўқ бўлгандан кейин бирор-бир чора топиш керак-да!

Ваҳолонки, бўлимимиз колхознинг юқори ҳосилли участкаларидан бири бўлишига қарамай, раҳбарларимиз клуб қуриб беришга «маблағни» кўзлари қиймаяпти. Ваъдадан десангиз — қоп-қоп! Ҳар гал эсларига тушганда:

— Ҳозирча кинони мана шу эни 3 метр, бўйи 8 метрли дўконда кўриб турингларр, ҳадемай, клубни қуришга киришамиз. — деб юпатиб қўйишади.

Лекин халқда «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деган мақол бор. Колхоз раҳбарлари бунга нима дейишаркин?

Ҳ. ДАВИДОВ,
Андижон область, Ленин районидаги Куйбишев номли колхоз, 3-участка.

ИРРИГАЦИЯМИЗ ИСТИҚБОЛЛАРИ

С. МАМАРАСУЛОВ,
Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси марксизм-ленинизм назариясига амал қилган ҳолда социалистик экономиканинг объектив ривожланишини анализ қилиб, коммунистик қурилишнинг етилиб қолган вазифаларини дадиллик билан ҳал қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Май Пленуми қарорларида социалистик қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш юзасидан белгиланган конкрет тадбирлар барча совет кишиларини қувонтирмоқда ва янги зафарларга илҳомлантирмоқда. Партия ирригация масаласига бу қадар катта аҳамият бераётганлигининг боиси шундаки, эндиликда ирригация мамлакатимизда барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини вужудга келтиришнинг тубли проблемаси бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам катта ҳисса қўшишлари керак. Ёғингарчилик унча кўп бўлмайдиган Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигини ва айниқса унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни янада ривожлантириш кўп жиҳатдан сув хўжалиги тараққиётининг даражасига боғлиқдир. Ўзбекистон Совет Иттифоқида етиштириладиган пахтанинг 71 процентини беради. Иттифоқдаги пахта майдонларининг 66 проценти бизнинг республикамизга тўғри келади. Ўзбекистонда суғориш тармоқлари бўлган 3 миллион гектардан ортиқ ер мавжуд.

Қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан юксалтириш масаласи республикамиз партия ва совет ташкилотларининг доим диққат марказида турибди. Етти йил мобайнида республикамиз сув хўжалиги қурилишига давлат бир миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфлади. Шу даврда 370 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилди ва унга сув чиқарилди. Мирзачўлда йирик пахтачилик райони вужудга келди. Ўзбекистон қўриғида янгидан ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган совхозлар ҳозирги вақтда 100 минг гектар майдонда пахта ва бошқа экинлар етиштиряптилар. Марказий Фарғона, Қарши чўли ва Сурхон водийсида ҳам янги ерларни ўзлаштириш тез суръатлар билан давом эттириляпти.

Бундан ташқари, ўтган етти йиллик мобайнида эскидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан кўпгина ишлар қилинди. Сув омборларининг сиғими қарийб бир ярим миллиард кубометр ошди. Деярли 600 километр узунликдаги каналларга бетон ётқизилди Бу, Ўзбекистон шароитида жуда қимматли бўлган сувнинг нобуд бўлишини анча камайтирди. Шу даврда 500 минг гектардан ортиқ майдоннинг сув билан таъминланиши илгаригидагига нисбатан анча яхшиланди. Фақат 1965 йилнинг ўзидагина ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадларига 21 миллион сўм маблағ сарфландики, бу 1959 йилдагига нисбатан қарийб ўн баравар кўпдир. Ана шу маблағ ҳисобига етти йиллик ичида 15 минг километр узунликда коллектор-зовур тармоқлари, шу жумладан ер ости сувларини суғориладиган майдонлардан ташқарига чиқариб юбориш учун бир қатор йирик трактлар қурилди. Республикамизда тажриба тариқасида юздан ортиқ вертикал зовурлар қазилди. Буларнинг ҳаммаси 400 минг гектарга яқин майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди.

Янги беш йилликда фақат Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги йўли билан сув хўжалиги тадбирларига бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш назарда тутилади. Бу, ўтган беш йилликда ана шу мақсадларга сарфланган маблағнинг миқдорига нисбатан икки баравардан зиёд кўпдир. Беш йиллик мобайнида 180,8 минг гектар суғориладиган янги ерни ўзлаштириш, 300 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қўшимча равишда 1 миллиард 620 миллион кубометр сув тўплаш имконини берадиган янги сув омборлари қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, 625 минг гектар майдоннинг сув билан таъминланишини янада яхшилаш назарда тутилади.

Маълумки, республикамиздаги суғориладиган майдонларнинг деярли ярми дарёлар суви билан суғорилади. Ана шу сув манбаларида баҳор палласида ва айниқса ғўза вегетациясининг сўнгги даврида сув етарли бўлмайди. Натижада Ўзбекистон колхоз ва совхозлари йил сайин пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини мўлжалдагидан бирмунча кам олмоқдалар. Шу муносабат билан республикамиз олдида экин майдонларининг сув билан таъминланишини яхшилаш ва манбаларда сув етарли бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, пахта ва бошқа экинларни суғориш учун етарли миқдордаги сувга эга бўлиш вазифаси турибди. Шу мақсадда Тошкент областида 2 миллиард кубометр сув сиғадиган Чорвоқ ва 80 минг кубометр сув кетадиган Оҳангарон сув омборлари қурилади. Фарғона областида 1,75 миллиард кубометр сув кетадиган Андижон сув омбори қурилишининг биринчи навбати тугалланади. Косонсой сув омборининг сиғими 250 миллион кубометр кўпайтирилади ва Ғовасой ҳамда Сўх сув омборлари қурилиши бошланади. Сурхондарё областида 800 миллион кубометр сув кетадиган Жанубий Сурхон, Қашқадарё областида 280 миллион кубометр сув кетадиган Пачкамар сув омборлари қурилиши тугалланади.

Сув таҳқислигига барҳам бериш мақсадида Фарғона водийсида ҳозирнинг ўзидаёқ Марказий Фарғона канали қурилиши бошлаб юборилди. Сурхондарё областида Тўпаланг—Қоратоғ ва Шеробод каналлари қурилади. Амударёнинг қуйи оқимидаги Ленин номли ва Қизкетган каналлари реконструкция қилинади, Тахиатош плотинасини қуришга киришилади ва шу йўл билан Қорақалпоғистон АССРда ҳозир суғорилаётган ерларнинг сув билан таъминланиши тубдан яхшиланади, ана шу ерда вужудга келтирилаётган шоличилик базасининг сувга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Бироқ, Амударёнинг юқори ва ўрта оқимидан олинадиган сувнинг миқдори кўпайиши муносабати билан дарёнинг қуйи оқимида мелиорация тадбирларини ҳал қилиш ва суғориладиган ерлар майдонини янада кенгайтиришда 4 миллиард кубометр сув кетадиган сув омбори бўлган Туямўйин гидроузели ҳал қи-

Бу мўйсафидга бир боқинг-а. Унинг нуроний чеҳрасида пахтазор гаштининг қувончи акс этиб турибди. Йигитали ота Холиқовни Балиқчи районидаги «Победа» колхозининг сувчилари устозимиз дейишади. У гектаридан 35 центнер «оқ олтин» олиш учун бел боғлаган ўз бригадаси коллективининг курашига ҳалол ва фидокорона меҳнат билан катта ҳисса қўшяпти, ғўзани мириқтириб суғориш соҳасидаги бой тажрибасини ёш сувчиларга жон дилдан ўргатяпти.

С. Безносов фотоси.

БИР ИХТИРО ТАРИХИ

Хазина

«Қизилқум — Қозоғистон, Ўзбекистон ва ёш қорақалпоқ республикалари туташган жойдир. Ҳозирча бу ер йирик чорвачилик маркази бўлиб, лекин шу ернинг ўзи келажакда тоғ саноати маркази ҳам бўлажагига ишончимиз комил».

(А. Е. Ферсман. 1935 йил).

Академик Ферсманнинг мана шу фикрини келтирар эканмиз (ва умуман мазкур мақолани ёзар эканмиз) — йирик илмий ихтиролар, айрим ўлкаларнинг экономикасини ривожлантириш ва бинобарин, шу йўл билан халқ бойлигини ортириш бир неча авлод олимлари ва меҳнаткашлари ишининг самараси эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу ўринда академик К. М. Бэргиннг қуйидаги сўзлари жуда ҳам характерлидир: «Фан — абадий изланиш демакдир, у ниҳоясиз, унинг вазифалари эса чексиз ва охирига етиб бўлмасдир».

Ғарбий Ўзбекистонда олтин ва бошқа маъдан конларининг мавжудлиги тўғрисидаги металлогения схемаларининг тузилиши, Қизилқумда йирик олтин конларининг очилиши юқорида айтилган ҳикматли сўзларнинг исботидир.

Қизилқум фойдали қазилмаларини топиш йўлидагидастлабки геологик текширишларни бундан ўттиз йиллар муқаддам СССР Фанлар академиясининг академиги А. Е. Ферсман, Д. И. Шчербаков ва А. Ф. Соседко етакчилигидаги отрядлар бошлаб берган эди. А. Ф. Соседко кейинчалик ҳам ўз текширишларини давом эттириб, Томди тоғларининг шимолий қисмида Чархтош (Наждак) конларини, жанубий қисмида — Бессапан овулида эса биринчи олтин доналаричи топишга муваффак бўлди. 1938 йилларда А. Ф. Соседко ўз текширишларини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология институтининг ходимлари Н. П. Петров, В. А. Захаревич ва бошқалар билан биргаликда олиб борди. Улар Қизилқумдаги жуда кўп тор ва ўйиқларни текширдилар. Бироқ бу горлардан нима қазиб олинганини аниқлаш қийин эди. Кўпинча буларни феруза тош кавлаб олинганидан қолган ўйиқлар деб ҳисоблар эдилар. Фақат Н. П. Петровгина булар собиқ олтин конлари эканлигини тахмин қилди.

Қизилқумдаги илмий текширишларнинг иккинчи даври 1950 йилда К. Л. Бобоевнинг ишлари билан бошланди. У Олтинтовдаги гранитлар ва нодир металли магматик томирларни текширди. Қизилқумдаги бизнинг тадқиқотларимиз эса 1951 йилдан 1954 йилгача давом этди. Гапнинг сирасини айтганда, бу ишларимиз Ҳ. М. Абдуллаев раҳбарлигида ғарбий Ўзбекистонда бошланган аввалги илмий тадқиқотларнинг давоми эди. Биз ишни ғарбий Ўзбекистоннинг яхшироқ текширилган Нуратов районларидан бошлаб, секин-секин табиий жиҳатдан қийин ва геологик жиҳатдан мураккаб ва кам текширилган марказий Қизилқум саҳросига кириб боравердик. Бизнинг текширишлар магматик жинслар ва улар билан боғланган (постмагматик) руда конларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ғарбий Ўзбекистон майдонида тақсимланиш қонуниятларини ўрганишга қаратилган эди. Бу йўлда асосий иккита гов бор эди. Бири — районларнинг геологик тузилиши ҳали жуда хира ёритилгани, уларнинг табиий жиҳатдан оғирлиги (иссиқлиги, сувсизлиги, йўлининг ёмонлиги, аҳоли пунктларининг сийраклиги, туб полеозой жинсларининг қум ва бошқа ётқизиқлар билан ёпилиб ётгани); иккинчиси эса — илмий ишлар учун ажратилган маблағ ва транспортнинг озлиги эди. Бу тўсиқларни бартараф этиш учун бирдан-бир чора: ўз кучимиз ва имкониятларимизни собиқ Ўзбекистон геология бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон Геология министрлиги)нинг экспедициялари билан бирлаштирмоқ эди. Биз шундай қилдик. Мазкур мақола автори Геология институтининг ходими бўлгани ҳолда 1951 йилдан то 1953 йилгача Ўзбекистон геология бошқармасининг Томдитов ва Марказий Қизилқумда ишловчи партияларига ҳам

И. ҲАМРОБОЕВ,
Ленин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси.

◆ ◆

старший геолог сифатида раҳбарлик қилди. Икки ташкилот ажратган маблағ ва кучларнинг барчаси бир мақсадга қаратилди. Бу тадбир яхши самаралар берди. Чунончи, Томдитов ва Қулжуқтовнинг геологик тузилишини белгилашдан ташқари, бир қатор янги фойдали қазилмаларнинг ҳам топилишига олиб келди. Улардан энг кўзга кўрингани Томди тоғларининг жанубий ва шарқи-шимолий қисмидаги туб (полеозой) жинсларида олтин заррларининг мавжудлигини аниқлаш бўлди. Бундан ташқари, Урал тоғларига хос бўлган хромит ва колчедан рудалари борлиги ҳам аниқланди. Бу ерда олтин заррлари ё соф ҳолда, ёки оксидланиб, шоколад тусига кирган маргимуш колчедани (арсенопирит) билан биргаликда кварц ва кварц-карбонат томирлари орасида онда-сонда учраб қўярди. Бу хилдаги томирлар Томди тоғларининг жанубий этакларида ҳайрон қоларли даражада мўл эди ва уларнинг қора сланецлар устида нураб ётган сочилмалари Мурунтов ва Бессапан овулидан ғарб томонга қараб узоқ-узоқларгача давом этиб, худди ўйдим-чуқур жойга ёпилган оқ гулли улкан қора бахмал дастурхонга ўхшарди. Бу ҳол ҳар қандай геологни ҳам анча-мунча эсанкиратиб қўярди.

Ҳақиқатан ҳам нураб ётган бу минглаб кварц томирларининг қайси бири диққатга сазовор? Қайси биридан нима кутиш мумкин? Сувсизликдан қақраб ётган бу поёнсиз даланинг қайси томонидан иш бошлаш керак? Ўн йиллик тажрибам бўлишига қарамай, аввалига анча шошиб қолдим. Мана шу ерда шимолий Нуратовнинг Устуқ, Синтаб каби олтин конларида орттирган тажрибам қўл келди. Бу ерда ҳам Нуратовдагидек кварц ва кварц карбонат томирлари мавжуд эди, биринчисида олтин маргимуш билан боғлиқ ҳолда бўлса, иккинчисида эса кварц ичида соф ҳолда учратилди, лекин бу жуда сийрак эди. Кейинроқ борибб у икки хил томирларнинг тарқалишида ҳам маълум қонуният борлиги белгиланди. Бироқ бу қонуниятни белгилаш учун Бессапан-Суграли даласи деб аталган майдонни узунасига ва кўндалангига неча мартадан қадамлаб текшириб чиқилди, қанчадан-қанча томирлар майдалаб кўрилиб, синчиклаб ўрганилди. Қанчадан-қанча намуна, неча пудлаб пробалар текширилмади дейсиз! Мана, мен ҳозир собиқ ёрдамчиларимдан саратовлик ёш геолог Виктор Скворцовни эслаяпман. Икковимиз параллель маршрут билан Бессапан овулидан жанубга қараб кетаётирмиз, оралигимиз 300 метр. Викторнинг ҳорғинлик ва чанқоқликдан энкайган новча бўйини яққол кўриб турибман. Ана, у навбатдаги кварц томири устида энгашиб, бир неча марта болға уради, сўнгра иманидир ёзади, кейин компас билан томирнинг йўналишини ўлчайди. Шу орада иманидир жаҳл билан ҳайдайди, компас ойнаси қуёш нурида ялтираб кетади. Дарров пайқайман: унга чивин халақит беряпти. Кейин у яна дафтарчасига тикилади. Ўтириб олиб, кварц тошларни синдира бошлайди. Сўнгра лупа билан унга узоқ вақт тикилади... Осмон фалакни эса қуёш аёвсиз қиздиради, лаблар сувсизликдан қақраб кетган. Ёмғирдек ёғилиб турган тер кўзларни ачитади...

Юқорида айтганимиздек, кварц томирлари кўп бўлгани билан уларда маъдан минераллари, жумладан олтин жуда кам учрайди, баъзан эса ҳарорат, сув ва ҳавонинг таъсирида эриб йўқ бўлиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Мана шуни аниқлаш жуда ҳам мушкул вазифадир. Биз ҳам иш бошлаётганимизда чуқур шурфлар қазиш ёки пармалаш ишларни бошлаб юбориш учун етарли асосимиз йўқ эди. Бу ҳолатни, менинг фикримча «Известия» газетасининг мухбири Г. Г. Меликянц жуда тўғри ифода қилган: «У вақтларда Мурунтовдек дурдона ҳали аниқланмаган, онда-сонда руда зарраларигина хира милтиллаб қоларди, холос. Бироқ Ҳамробоевнинг тахмини излашга мажбур қилди...» Ҳақиқий ишонч тўрт йилдан кейин (1956 йилда) ғарбий Ўзбекистон бўйича йиғилган барча материаллар жамлангандагина пайдо бўлди.

Шу материаллар асосида тузилган ғарбий Ўзбекистоннинг металлогения схемасида полиметалл, олтин ва нодир металл конларининг алоҳида зона (пояс)лар ташкил қилиб ётиши аниқланди. Шу жумладан, олтин конлари жойлашган зона шарқда Жиззах районидан бошланиб, шимолий Нуратов орқали ғарбда Томди тоғларигача (Марказий Қизилқум) давом этиши белгиланди ва умуман шу зона ичида яна бошқа олтин конлари ҳам топилиши қайд этилди. Турмуш бу мўлжалнинг тўғри эканлигини исбот қилди: кейинги 1957 — 1963 йилларда шу зона ичида бир неча катта-кичик олтин конлари очилди. Булардан энг йириги Мурунтов эди. Мурунтовнинг очилиши Ўзбекистон геология министрлиги геофизика трестининг ходимлари Ю. Н. Мордвинцев ва П. Ю. Хромишкиннинг жуда зўр ғайрат ва билимдонлик билан қилган ишлари натижасида юз берди. Улар юқорида айтганимиз олтин билан маргимушнинг боғлиқлиги ҳодисасини назарда тутиб, ушбу мақола автори кўрсатган зона ичида аввал маргимушга бой бўлган майдон (аномалия)ларни аниқладилар, кейин шу жойларни қазиб кўриб, ичида ҳақиқатан ҳам олтин борлигини исбот қилдилар. Кейинги йилларда бу очилган конни баҳолаш, яъни запасини белгилаш ва эксплуатацияга тайёрлашда Ўзбекистон Геология министрлиги ходимларининг хизмати катта бўлди.

Ҳозирги кунга келиб эса Мурунтов — олтин кони саноатимизнинг йирик дурдонаси бўлиб қад кўтарди, давлатимиз экономикасининг улкан хазинасига айланди.

◆ ● ◆

АНДИЖОН ДАЛАЛАРИДА БОЛГАРИЯ МАШИНАСИ

Учқўрғон районидаги Ленин номли совхознинг механизатори Ризо Алиев бу йил ёзда ўз косилкасини тўртинчи марта бедапояга солди. У бир кунда беш юз центнергача беда ўриб бермоқда. Механизатор ишининг пухта ташкил қилинганлиги, бедапоя ўз вақтида суғорилганлиги ва меҳр билан парвариш қилинганлиги совуқ тушгунгача яна икки марта беда ўриш имконини беради.

Ризо Алиев совхозга «КИР-1,5» маркали ажойиб косилка юборган болгар машинасозларига ўзбекларнинг катта раҳматини топширишни илтимос қилди. Моҳир механизатор бу косилкани Ватанимизда ишлаб чиқарилган «Т-40» тракторига тиркаб ҳақиқатдан мўъжиза бўладиган ишлар қилмоқда. У айни вақтда бедани ўрмоқда, майдаламоқда, махсус тележкаларга ортмоқда. Механизатор Ризо Алиев бу йил мавсумда болгар косилкаси билан юз минг центнер беда ўриш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

(ЎзТАГ).

ОВЧИЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бухоро область овчилар ва балиқчилар спорт жамиятларининг V конференцияси бўлди. Областда 1965 йилда 1964 йилга нисбатан овчилар сони 300 дан ошган. Бухоро область овчилари ва балиқчилари республика овчилари мусобақасида биринчи ўринни эгалладилар.

Н. ОХУНЖОНОВ.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲИСОБИГА

Янгиариқ районида Ал-Хоразмий номли ихтисослашган шоликорлик совхози ташкил топганига икки йил бўлди. Амударё қирғоқларида янги ўзлаштирилган ерларда мўл ҳосил етиштирилиб, икки мавсумда мамлакат омборига 7100 тонна шоли тўкилди. Экин майдони 1000 гектардан 2251 гектарга кенгайтирилди. Совхоз рентабелли хўжаликка айланди.

Совхоз тузилган пайтда бошланғич партия ташкилоти ҳисобида уч коммунист бор эди, холос. Оташқалб коммунистлар қалб амри билан янги ерга кўчиб келишди. Ишлаб чиқариш илғорлари, актив жамоатчилар партия сафига қабул қилинди. Мана, эндиликда коммунистлар 100 кишига етай деб қолди. 5 бўлимда, 15 бригадада бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

...Партия йиғилиши чақирилди. Кун тартибида — қабул масаласи. Инженер-механик Тўра Абдуллаевнинг аризаси ўқиб эшиттирилди. Совхозга келганида оддий тракторчи эди, инженер-механик даражасига кўтарилди. Янгиариқ район Совети депутатлигига сайланди. Ҳалол меҳнат учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Кечки мактабда ўқиб, 10-синфни тамомлади. Кафолат берган кишилар — партия комитетининг секретари Карим Саъдуллаев, 1932 йилдан КПСС аъзоси Юн Сен Чер, совхознинг илғор ишчиларидан Бобожон Худойберганов ўртоқлар Тўра Абдуллаев ҳақида илиқ гаплар, яхши истаклар айтишди. Саволларга берилган аниқ, дадил жавобдан Т. Абдуллаев ўз устида қунт билан ишлаётганлиги, сиёсий билимини ошираётганлиги кўриниб турарди. У КПСС сафига бир овоздан қабул қилинди.

Инженер-ирригатор Лян Алексей, тракторчи Тожи Йўлдошев, совхоз комсомол ташкилоти секретари Авазмат Рўзиматов ўртоқларнинг ҳам эзгу орзулари ушалди, партия сафига кирганликлари билан уларни дўстлари қизғин табрикладилар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУСОБАҚАДОШЛАР КЕЛИШДИ

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Қардош Туркманистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Бухоро, областига келди. Ўзаро текшириш бригадасига Туркманистон ССР Министрлар Советининг ходими Р. Жумаев бошчилик қилмоқда. Делегация составида Байрамали районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи Б. Аннабердиев, Мари районидаги Калинин номли колхознинг бош агрономи М. Қурбонов, Тахтабозор район ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи М. Тиллаев ва бошқалар бор.

Мусобақадошлар группаларга бўлиниб, Қоракўл, Вобкент, Навоий районларининг колхоз ва совхозларига жўнаб кетдилар.

ОРЗУ

Ёзнинг қайноқ кунлари ўтяпти. Теграсида тепалар салобат билан турган қир бағри кўм-кўк. Пахтазор елда шивирлаб чайқалади. Ҳосил шохларида шиғил-шиғил шона, гул, кўсак.

Толлар соясидаги шийпон пичжида звено бошлиғи Тургуннинг хаёллари баҳордаги турналардек кузга учади. У хаёл кўзи билан жигарранг чаноқлардан тошган оппоқ пахтани, мўл ҳосил иштиёқида ёниб, мақсадига етган, баланд хирмонлар завқидан чеҳрасига табассум қўнган Рисбек Бойсеитов, Анор Мўлдақулова, Улбика Утепова, Султон Суюнбоев каби дўстларини кўради.

Шу участкани яшнатиш, ғўзаларни бир текис ривожлантириш учун озмунча фидоийлик қилдими улар?!

Чигит ердан энди униб чиққанда, мурғак ғўзани сел савалаб кетди. Қиямаларни сув ялади, кўчат ола бўлиб қолди.

Ўша кунларда ишга қовуша олмагани, эгатларни ўтга ем қилиб қўйгани, кўчат оласига бепарво қарагани учун участка бошлиғини ишдан олиб ташлашди. Нима қилиш керак?

— Сиз коммунистсиз, тажрибангиз бор, қолоқ участкани илғорликка кўтариб беринг, — дейишди правлениеда унга.

Оз эмас, 150 гектар майдонда аҳвол оғир, ишчи кучи кам, тракторчилар етишмасди.

«Нега шуни олдиндан ўйлашмади экан? Илгари қаёқда эдингиз, ўртоқ раҳбарлар!» деб ҳайқиргиси келди бошлиқнинг.

«Колхознинг энг чекка ери, қир бағри, ўр-жар, соғ тупроқ, иш қиليб, беш-ўн центнер ёрдами тегиб турар» деб қаралганди бу ерга.

Йўқ, Ғофир аканинг виждони, коммунистлик запти буни кўтара олмади. Шунинг учун у аммани шу ерга, шу она тупроқ сийнасига, дала шийпонига йиғди.

— Участка бошлиғи маслис нималигини билмасди, узоқ деб ҳар замонда бир келарди. Мана, бошланди-ку энди, янгиси нима иш кўрсатаркин? — деди ўтирганлардан бири.

Янгиси уста экан. Ҳар кимнинг юрагига қўл солиб кўрди. Ерни ички звенога баравар тақсимлади. Кучларни ҳам тенг бўлди. Йигитлардан бирини механизаторлар тайёрлайдиган қисқа муддатли курсга юборди. Кузда — терим вақтида жонимизга оро киради, деди. Ҳар иккала звенодаги комсомолларни ҳисобга олди, колхоз комсомол ташкилоти билан маслаҳатлашилиб, махсус комсомол-ёшлар звеноси тузилди. Унга тракторчи йигит Тургун Чўқиевни бошлиқ этиб тайинлашди.

Мана, энди, шийпонда ўтиряб, Тургуннинг хаёти олтин кузга учяпти. Ҳамма ташвишлардан қутулиб олишди. Пайкалларда бегона ўт қолмади. Ғўза қатор оралари тўртинчи марта ишланди. Культивацияни участка бошлиғи билан Тургуннинг ўзи бажаряпти. Ҳалол иш ҳар туп ғўза, ҳар бир гул ва кўсакда ўзини кўрсатяпти. Улар гектар бошига 27 центнер ўрнига 29 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишган. Агар ҳар туп ғўзада 10-12 тадан бўлиқ кўсак етказиб олинса, марра уларники.

Участка бошлиғи ишининг бундан кейинги муваффакияти культивация, суғориш, озиқлантиришни давом эттирган, чеканкани вақтида ва сифатли ўтказган ҳолда ғўза баргини вақтида тўктириш ва машина теримига яхши тайёргарлик кўришга боғлиқ эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

— Чеканкани уч кундаёқ тугаллаймиз. Ундан кейин ғўза баргини тўкиш тараддудини кўрамиз, — дейди Ғофир ака Иматов.

Тургун ҳазиллашади:

— Ғўзаларни попиратка қилар эканмиз-да, — дейди ва ғўза барглариини барвақт тўктирсак, кўсаклар тўлишмай қоладими дейман, деб қўшиб қўйди.

Ғофир ака Тургуннинг ёш пахтакор эканлигини, тажрибаси, камроқлигини назарда тутиб, жавоб берди:

— Барги тўкилса, кўсаклар яхшироқ тўлишади. Ўтган йили олимларга текширтириб кўрдим. Барги барвақт тўктирилган ғўзада бир кўсакнинг пахтаси 7,5 граммгача тош босди. Барги тўктирилмаган пайкалда 3,5 грамм. Фан билан тажриба бирикса, иш йириклашавераркан.

Мана, дала командирининг топшириқларини бажарган Тургун ҳозир дала шийпонида бир нафас ором олялти. Қулф уриб ўсган ғўзалар чиройи қалбига беҳисоб қувонч бахш этяпти, кузда хирмон-хирмон «оқ олтин» бераман деяпти.

М. ҚУШОҚОВ,
Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз.



Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг ҳар туп ғўзасида ҳозир 13-14 тадан ҳосил шохи бор. Шу туфайли колхоз аъзолари ғўзани чеканка қилишга киришдилар. Пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлидан бораётган бу хўжаликда ана шу агротехника тадбири ҳам механизмлар ёрдами билан амалга ошириляпти. Суратда: ғўзани механизмлар билан чеканка қилиш пайти.

А. Абалян фотоси.

лувчи роль ўйнаши лозим. Уни қуришга яқин йиллар ичида киришилади.

Беш йиллик мобайнида минг километрдан ортиқ узунликдаги каналларга бетон ётқизиш назарда тутилади. Бунда полиэтилен пленкалардан кенг фойдаланилади. Бу ерда сувдан хўжасизлик билан фойдаланишга доир фактлар ҳақида ҳам гапириш ўринлидир. Кўпчилик районлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари керагидан ортиқча сув олиш зарарли ва ёмон оқибатларга олиб келиши ва бу давлатга жуда қимматга тушиши ҳақидаги илмий ва сув хўжалиги ташкилотларининг фикрига қулоқ солмаяптилар. Сурхондарё областидаги Термиз, Шеробод, Жарқўрғон ва Ангор районлари манбалардан пландагига нисбатан 140-150 процент кўп сув ояптилар, унинг атиги 50-60 процентидан фойдаланяптилар. Тошкент областидаги Бекобод райони ҳам муттасил равишда керагидан ортиқча сув олади. Қашқадарё области ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳам сувдан фойдаланиш коэффициенти жуда паст.

Марказий Фарғона, Сирдарё, Бухоро областлари, Сурхондарё областининг Ангор ва Шеробод районлари ҳамда Қорақалпоғистон Автоном республикасидаги суғориладиган ерларнинг анчагина қисмининг мелиоратив ҳолати ҳамон яхши эмас. Республикада бир миллион гектарга яқин кўп ё оз даражада шўрланган ер бор. Бу ерларда коллекторзовур тармоқлари етарли даражада эмас. Ана шу областлардаги кўпгина районларда бир гектар ерга ҳисоблаганда 25-30 ўрнига 5-15 метр коллекторзовур тармоғи бор. Хўжаликларнинг ичидаги мавжуд коллектор-зовур тармоқлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, уларни тозалаш ва чуқурлаштириш чоралари кўрилмаяпти. Шу туфайли коллектор ва зовурлар ҳам фойда беряпти.

Беш йиллик давомида 300 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш назарда тутилар экан, бунга даставвал йирик коллекторлар қуриш, хўжаликларнинг ичидаги коллектор-зовур тармоқларини кенгайтириш, бешолти минг километр узунликдаги мавжуд коллектор-зовурларни реконструкция қилиш йўли билан эришилади.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг планларида вертикал ва ёпиқ горизонтал зовурлар қурилиши ҳамда айни вақтда экин майдонларини капитал планировка қилиш назарда тутилади. 227 минг гектар майдонда, шу жумладан Сирдарё областида 166 минг ва Бухоро областида 61 минг гектар майдонда вертикал зовурлар қурилади. Ана шу зовурлар ёрдами билан ер ости сувлари чиқариб юборилади ва ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

СССР Министрлар Совети колхозларда хўжалик ичидаги мелиорация тармоқларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳамда ерларни планировка қилиш ишларини бюджет маблағи ҳисобига амалга оширишга ижозат бериши муносабати билан биз ана шу ишларни кенг кўламда олиб бориш имкониятига эга бўлдик. Бу ишга давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар билан бир қаторда, КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми жуда тўғри кўрсатганидек, колхозларнинг куч ва маблағларини ҳам жалб этиш лозим.

Мелиорацияни ривожлантириш соҳасида белгиланган жуда катта программани муваффақиятли бажариш учун вертикал зовурларга зарур бўлган яхши сифатли насослар тайёрлаш масаласини ҳал қилмоқ керак. Чунки ҳозирги вақтда Ўшдаги машинасозлик заводи етказиб бераётган «ЭЦНВ-12-255-30» маркали насосларнинг сифати талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ана шу насосларнинг сифатини тубдан яхшилаш чораларини кўриш ёки бу вазифани бошқа заводлар зиммасига юклаш лозим.

Мелиорация ҳолати яхши бўлмаган ерларда зовурларнинг илмий жиҳатдан асосланган районлаштирилган системасини жорий қилиш лозим. Бу вазифани САНИИРИ, тупроқшунослик ва инженерлик гидрогеологияси институтларининг илмий ходимлари кучи билан бажариш, СоюзНИХИ илмий ходимлари зиммасига эса зовурлар қазиладиган ерлар учун агротехника ва агромелиорациянинг табақалашган системасини ишлаб чиқишни юклаш керак. Программада белгиланганича 180 минг гектар янги ерни ўзлаштириш, мавжуд экин майдонларини сув билан таъминлашни ҳамда уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган жуда катта миқёсдаги ишларни бажариш учун республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органларининг, барча сув хўжалиги қурилиш ташкилотларининг ишини тубдан қайта қуриш, барча мавжуд резервлардан максимал даражада фойдаланиш ва янги қувватларни вужудга келтириш зарур. Бусиз қўйилган вазифани муваффақиятли бажариб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда мавжуд материал-техника базаси сув хўжалиги қурилишидаги энг катта камчиликка эга бўлган соҳалигича қолмоқда. У бажарилиши лозим бўлган капитал ишларнинг миқёсига ҳам, тайёр иншоотлардан фойдаланиш талабларига ҳам жавоб бермайди.

Ремонт базасининг аҳволи ҳам яхши эмас. Буларни эътиборга олиб, яқин 10-15 йилга мўлжалланган ишлар миқёсини назарда тутган ҳолда, «Стройиндустрия»нинг алоҳида зоналар учун базаларини вужудга келтириш планини тузишга ҳозирданоқ киришмоқ даркор.

Сув хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган ишлар миқёси икки баробардан зиёд кўпайиши муносабати билан лойиҳа-қидириш ишларининг ҳажми ҳам ошади. Ҳозирги вақтда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш талабга жавоб бермайди. Ана шу ҳужжатларни тайёрлаш кечиктирилаётганлиги сабабли қурилишлар белгиланган муддатда битказилмай қоляпти. Шу билан бирга қурилиш ишларининг қиммати белгиланганига нисбатан бирмунча ошиб кетиш ҳоллари содир бўляпти.

«Ўзгипроводхоз» ва «Средазгипроводхлопок» лойиҳалаш институтлари кейинги йилларда ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан ўсганлигига қарамай, улар ҳозирги вақтда тобора кенгайиб бораётган сув хўжалиги қурилишларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш вазифасининг уддасидан чиқолмаяптилар. Шу беш йилликда ҳаммаси бўлиб қирқ миллион сўмлик лойиҳа-кидириш ишлари бажарилиши лозим. Шу муносабат билан ҳозирги вақтда кадрлар сонини кўпайтириш, ишлаб чиқаришга илғор ҳисоблаш техникасини жорий қилиш йўли билан лойиҳалаш институтларининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш масаласини ҳал қилиш вақти келди.

Сув хўжалиги қурилиши системаси ва у билан боғлиқ бўлган барча ташкилотларни олий ва ўрта маълумотли мутахассис кадрлар, малакали қурувчи ишчилар ва механизаторлар билан таъминлашни яхшилаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Сув хўжалиги органларига ҳар йили 500 дан ортиқ техник ва инженерлар ишга келиб туриши ва улар ишлаётган мутахассислар сафини тўлдириб туриши керак. Шунга қарамай, республика Госплани 1965 йилда ҳаммаси бўлиб 38 инженер ва 42 техник ажратди, холос. Кадрлар соҳасида юз берган оғир аҳвол сув хўжалиги системаси учун кадрлар тайёрловчи олий ва махсус ўрта ўқув юртларидаги ўқувчилар сонини бир мунча оширишни тақозо этади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг мелиорация инженерлиги факультети базасида сув хўжалиги институти ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз сув хўжалиги ташкилотларининг коллективлари сув хўжалиги иншоотларини қуриш, лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш соҳасида бой тажриба тўпладилар ва улар КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун барча имкониятларга эгадирлар. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон ирригаторлари ва мелиораторлари пленум томонидан қўйилган жуда катта ва мураккаб, айни вақтда шарафли вазифаларни тўлатўкис бажарадилар, республикамизда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини янада тез суръатлар билан ривожлантирилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўзбекистон Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятининг пленуми

Ўзбекистон Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширишда жамият аъзоларининг вазифалари тўғрисида СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамияти раисининг ўринбосари ўртоқ З. С. Майорова доклад қилди.

Пленум ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқди. Ўзбекистон Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятининг раиси қилиб ўртоқ А. У. Ибодов тайинланди.

Пленум қатнашчилари 2 миллионли Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамияти аъзолари номидан Америка миллий Қизил Ярим ой жамиятининг бошлиғи Поллинза номига Америка империалистларининг Вьетнам Демократик Республикасига нисбатан варварча ҳужум қилиб, қиргин уруши олиб бораётганига қарата норозилик хати юбордилар.

Футбол — ЯХШИ НАТИЖА

Аввало, футбол чемпионатининг турнир жадвалига бир назар ташлаб «Пахтакор»нинг иккинчи ўринда виқор билан туришини кўриб бир яйраб қувонайлик.

Командалар	У	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» К	16	11	5	0	36—5	27
«Пахтакор»	17	7	10	0	19—11	24
ЦСКА	17	8	6	3	36—24	22
«Спартак» М	16	8	6	2	23—12	22
СКА Р.	17	10	1	6	28—27	21
«Торпедо» М.	17	7	6	4	28—19	20
«Динамо» М.	17	7	4	6	24—18	18
«Қайрат»	17	8	2	7	19—20	18
«Нефтяник»	16	6	5	5	22—13	17
«Динамо» Тб.	17	6	5	6	17—15	17
«Зенит»	17	7	3	7	23—27	17
«Шахтёр» Д.	17	6	3	8	16—21	15
«Динамо» Мн.	17	4	7	6	15—21	15
«Торпедо» Кт.	18	6	3	9	24—32	15
«Черноморец»	17	4	6	7	18—22	14
«Арарат»	16	5	4	7	15—25	14
«Кр. Советов»	17	2	6	9	12—28	10
«Локомотив»	17	3	1	13	13—29	7
СКА Од.	17	1	5	11	9—28	7

Темир йўл футболчилари юқори лигани уч марта ташлаб чиқишга мажбур бўлган командадир. Улар бир ёки икки йил иккинчи лигада ўйнаб, яна кўтарилиб олишга муваффақ бўлган эдилар. Ўтган йили эса бу команданинг «бахти»га футбол федерациясининг командаларининг сонини кўпайтирилганлиги қўл келди. Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, командалар сонини қоғозда эмас, амалда. яъни майдонда кўрсатган кучи билан кўпайтириш лозимлигини бу йилги чемпионат тўла исботлади. Ахир, футбол «Локомотив»дек командани олий лигага чиқариб нима ютди? Ўн минглаб ишқибозларнинг вақтини ўғирлашними, ёки томошабинларни оммалашиб бораётган футболдан ихлосини қайтаришними?

Ўйин шиддат билан бошланди-ю, бир онда ўзининг мавқеини йўқотди. Ҳар иккала команда техника жиҳатдан «исрофгарчиликка» йўл қўя бошлади. Дарбозалар олдида шиддатли ҳолатлар рўй берди. десак ишқибозлар биздан жуда-жуда ҳафа бўлишини ўйлаб, индамай қўяқолдик. 30 минутдан кейин «Пахтакор» «Локомотив»ни ютиши қийин эканлигига қаноат ҳосил қилди. Шундан кейин ўйинга бир оз жон кирди. 40-минутда Биродар Абдураимов ўзига хос оригинал услуб билан олга интилди, рақиблар ҳимоячиларини алдаб ўтди. бурчакка етиб келди-ю, штраф майдончасида очиқ турган Х. Раҳматуллаевга тўпни оширди. У ҳар томонлама бўш ўйнаган В. Поляков дарвозасига осонликча тўпни думалатиб юборди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида «Пахтакор» битта тўп ҳам икки очко, ўнта тўп ҳам икки очко деган нотўғри фикрни ўзига яхшилаб сингдириб олди. Шунинг натижасида ўйиндаги спорт кураши сустлашди, мусобақага бўлган қизиқиш камайди.

Газетанинг шу сони қўлингизга текканида «Пахтакор» иккинчи ўринда қолган ёки қолмаганлигини биласиз. Чунки, тунда иккинчи ўринга даъвогарлик қилаётган пойтахтнинг «Спартак» командаси Бокунинг «Нефтяник» футболчилари билан учрашди.

Москва ва Минскнинг динамочилари учрашиб, жуда суст харакат қилдилар. Таблодаги 0:0 ҳисоби 90 минут давомида ўзгармади. Пойтахтнинг иккинчи командаси «Торпедо» эса Одесса шаҳрида армия футболчиларининг шохини қайириб ташлади. Чемпион киритган тўртта тўпга одессаликлар битта тўп билан жавоб бера олдилар. Одессанинг иккинчи командаси «Черноморец»—ЦСКА учрашувида 8 тўп киритилди. Шулардан 5 таси денгиз спортчилари дарбозасига. 3 таси армия футболчилари дарбозасига кирди. Киевнинг «Динамо» командаси Кутаисининг автозаводчиларидан ўтган йилги аламини олди. Бу ўйин 3:1 ҳисоби билан тугади. «Динамо» кейинги ўйинлар қандай натижалар билан тугашидан қатъи назар биринчи даврани биринчи ўрин билан якунлайди. «Қайрат»—«Арарат» учрашуви қозоқ футболчилари фойда (3:1)сига ҳал бўлди. «Крилья Советов» футболчилари ўз майдонида ростовлик армиячиларга ютқазиб (0:1) қўйди.

«Пахтакор» биринчи давра ўйинлари якунида битта ўйин ўтказади. Колхоз футболчилари 28 июлда Ереван шаҳрида «Арарат» билан ўйнайдилар. Ана шу учрашувда ҳам «Пахтакор» ғолиб келса, биринчи давра якунларидан ҳар қанча қувонса арзийди.

В. МАҲКАМОВ.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

СССР терма командасининг Чили футболчилари устидан ғалабаси Корея Халқ Демократик Республикаси спортчиларининг шодлигига шодлик қўшди. Ана шу учрашувда ғалаба қозонган СССР терма командаси корейс футболчиларини иккинчи ўринга, шу билан чорак финалга олиб чиқди.

Совет футболчилари майдонга янгиланган составда тушдилар. СССР спорт шарафини бу ўйинда Кавазашвили, Гетманов, Шестернев, Корнеев, Островский, Воронин, Афонин, Метревели, Серебряников, Маркаров, Паркуян ҳимоя қилди.

Ҳисоб ўттизинчи минутда очилди. Бу тўпни киевлик ҳужумчи Валерий Паркуян зарб билан тепиб, дарвозага моҳирона киритди. СССР терма командаси составида биринчи марта ўйнаган ҳужумчи учун бу жуда яхши натижа! Орадан 4 минут ўтмай ярим ҳимоячи Маркос ҳисобни тенглаштиришга эришди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида чилиликларнинг ҳужуми кучайди. Альберт Шестернев ва уннинг шериклари ҳимояда яхши ўйнаб, ҳужумни қайтариб турдилар. Ўйин охирига яқинлаша борди. 86-минутда Паркуян дарвоза томон ташланиб дарвозабон билан юзма-юз келди ҳамда тўпни унинг устидан ошириб, ҳисобни 2:1 қилди.

СССР терма командаси 1962 йилда Чилидан енгилган аламини олди.

Венгрия Болгария командасини (3:1), ГФР Испаниями (2:1), Англия Франциями (2:0) ютди.

Чорак финалда СССР Венгрия футболчилари билан, Англия Аргентина билан, ГФР Уругвай билан, Португалия КХДР билан учрашади.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ХО ШИ МИННИНГ ДЕ ГОЛЛГА МАКТУБИ

ПАРИЖ, 20 июль. (ТАСС). Франциянинг собиқ министри Сентени яқинда Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатларига қилган сафаридан қайтиб келди. Шу сафар вақтида Сентенини Вьетнам Демократик Республикасининг президенти қабул қилди. Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин ўзининг генерал де Голлга ёзган мактубини Сентенидан бериб юборди. Хо Ши Миннинг шу мактубида «Америка агрессия қилиб турган шароитда бизнинг халқимиз ҳар қандай қурбонлар бўлишига қарамай, охирги ғалабагача курашишга маҳкам бел боғлаган» дейилади.

Сўнгра Хо Ши Миннинг мактубида бундай дейилади: «Вьетнамга доир 1954 йилги Женева битимларини имзолаган мамлакатлардан бири бўлган Франция мазкур битимларни аниқ бажариш асосида шу районда тинчликни тиклашга ўзининг актив ҳиссасини қўшишга интилаётганлигидан хурсандмиз».

АЖОЙИБОТЛАР

АНТАРКТИДАДА ПАШША

Ҳозир Антарктидада қаҳратон қиш. Мирний посёлкасида истиқомат қилувчилар яқинда Катта Ердан келган «элчи»ни кўрдилар. Қаёқдандир учиб келган пашша уларнинг бошн устида учиб юрарди.

Пашша одамлар ўзига тегмаслиқларини билганлай ул ичида бемалол «саёҳат» қилиб юрарди. Ажаб, бу жонивор музлар қитъасига қаердан учиб келдийкин?

Шу пайтгача 6-қитъада биророта ҳам пашша учрамаган эди. У «Обь» электроходида «саёҳат» қилиб келган бўлса керак.

ЧЎНТАК ЧИРОҚЛИ ТИПРАТИКОН

Денгиз типратиконини биологлар эркалаб диадема деб атайдилар. Бу типратикон сифалия балигини ўзига чўнтак чироғи вазифасини бажаришга мажбур этган. Типратикон бу балиқчаларни ўзининг тиконида эргаштириб юриб, қоронги жойда атрофни ёритишга мажбур қиларкан.

Япон олими Ханеда Йатанинг айтишича, бу типратикон қоронгида маълум бир бактерияларни ажратиб чиқазади. Ундан таъсирланган балиқчалар хира, кўм-кўр таратиб атрофни ёритишади.

СУЗЛАР САЕҲАТИ

Рус тилидаги айрим сўзлар қитъалар оша тунгус қабиларидан «саёҳат» қилиб келгани аниқланди. Ҳаммага маълум бўлган куль (халта), қармоқ ва бошқа сўзлар рус тилига нанайларнинг қадимий авлоди — чжурчженейлардан ўтиб келган экан. Эҳтимол, бу сўзлар мўғуллар истилоси даврида ўтган бўлиши ажаб эмас. «Ура» хитоби ҳам ўшалардан мерос бўлиб қолган. Чжурчженейлар тилида қочиб боравётган рақибининг елкаси ура деб аталади.

ПОЛЬША ДАВЛАТИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ



Суратда: Варшава—Польша Халқ Республикасининг пойтахти. Шаҳар марказида уруш пайтида вайрон бўлиб кетган ва кейинги йиллар ичида тўла қайта тикланган янги уй-жой бинолари.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

РЕСПУБЛИКАДА ТЎЙ

Польша Халқ Республикаси ташкил топган кунининг йигирма йиллигини тантаналли байрам вазиятида нишонлаймиз; бу йил — Польша давлатининг 1000 йиллик байрами йили ҳам. Бу эса айрим тарихий-сиёсий мулоҳазалар юритишга ундамоқда. Улар Польша халқининг кўп асрлик тажрибаси — тўғрироғи анча аччиқ тажрибасидан келажак учун тўғри хулосалар чиқариб олишга ёрдам беради.

Пястачилар династияси ҳукмрон бўлган даврда Польша давлати Одердан Буггача, Болтиқдан Карпат ва Судетгача территорияда яшаётган поляк қабиларини ўз ичига олган эди. Миллий нуқтан назардан Польша яхлит давлат эди. Унинг экономикаси асосан эркин деҳқонлар — кметлар меҳнатига асосланган эди. Ўша пайтларда эксплуатация ва асорат деярли йўқ эди. Мамлакат немисларнинг хуружларини муваффақиятли равишда қайтариб турар ва Болтиқ денгизи билан Одерда ўз ҳукмронлигини сақлаб келар эди.

Помешчик-деҳқон хўжалиги ривожланиши билан феодаллар мустамлакалар орттириш мақсадида шарқда Украина ва Белоруссия ерларини босиб оладилар. Польша кўп миллатли давлатга айланади, Ғарбга ва Болтиқ бўйига кам эътибор берадиган бўлиб қолади, шарқдаги кўп сонли урушларга аралашади ва Одер дарёси ёқаларидаги ҳамда Болтиқ денгизи бўйидаги ерларидан ажралади. Мамлакатда социал ва миллий азоб-уқубатлар кучайиб кетади. Бу эса шляхтачи республиканинг кучсизланишига ва унинг XVIII аср охирига келиб вайрон бўлишига олиб келади.

Польша халқи деярли 150 йиллик мушкул турмуш шароитида мамлакатни уч қисмга бўлиб олган давлатлар ҳукмронлигига қарши миллий ва социал озодлик учун кураш олиб бордилар. Польша демократияси «сизнинг ҳам, бизнинг ҳам озодлигимиз учун» деган шиоргa амал қиларкан, мустақиллик учун курашни Европадаги барча халқларнинг ўз мамлакатларидаги ва чет эллардан келган феодаллар ҳамда буржуа ҳукмдорлари асоратидан қутулиш учун кураши билан боғлиқ, деб ҳисоблайдилар. Демократик кучлар ҳукмдорлар ва буржуазия ҳукуматининг, Польшани уч қисмга бўлиб олган мамлакатлар ҳукуматларининг манфаатларига хизмат қилаётган ҳукуматнинг ёрдамига эмас, балки шу мамлакатлардаги оддий халқлар ва энг аввало рус халқининг ёрдамига таяниш кераклигини англай бошладилар. Лелевель, Сетегенний, Ярослав Домбровский, Сераковский ва Гаддевскийлар рус халқи билан ҳамкорлик қилишга чақира бошладилар.

Революцион кўчилар ҳаракати бу традицияларни давом эттирдилар. Сўнгра деҳқонлар ҳаракатининг айрим радикал оқимлари ҳам уларга қўшила бошладилар.

Бу ғоялар турмушда тўла тасдиқланди. Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси туфайли Польша икки марта — 1918 ва 1945 йилларда қайта мустақилликка эришди.

Польша — Совет дўстлиги гитлерчилар Германиясига қарши ғалаба билан тугалланган кураш давомида Польша ва Совет солдатлари, партизанларининг қони билан мустаҳкамланди.

Гитлерчилар тўдаси тор-мор қилинганидан кейин Польша — Совет битими тузилгач биз Одер билан Болтиқ ўртасидаги эски ерларимизга қайтиб келдик. Ҳозир Польша Одердан Буггача ва Карпатдан Болтиққача территорияда миллий ва ижтимоий маъноси билан яхлит давлат сифатида яшамоқда. У жиддий социал-иқтисодий ва маданий-оқартув ислоҳотларидан кейин ана шундай бўлиб қолди.

Социалистик давлатлар қудратли лагерининг таркибий қисмларидан бири бўлган халқ Польшаси тарихда биринчи марта ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш ва тинч меҳнат қилиш учун қулай шароитларга эга бўлди. Унинг тараққий қилиши учун битмас-туганмас шароитлар мавжуд.

Қудратли Совет мамлакати бош бўлган социалистик лагернинг мавжудлиги бизнинг халкларимизга ва бошқа кўпгина халқларга хавфсизликни таъминлаш ҳамда тинч ижодий меҳнат қилиш учун имкон яратиб бермоқда.

Бизнинг мамлакатимиз кўпгина ютуқларга эришди. Бироқ, Польшада буржуазия ҳукмрон бўлган даврда мамлакат экономикаси суст ривожланди. Кейинчалик иккинчи жаҳон уруши даврида анча зарар кўрилди. Эндиликда Польша халқи олдида катта вазифалар турибди.

Тинчлик бу вазифаларни бажаришнинг асосий омилидир.

Чеслав ВИЦЕХ,
Польша Халқ Республикаси Сеймининг маршали.
(АПН).

АҚШ ЭКОНОМИКАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ СУРЪАТЛАРИ СУСАЙМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ савдо министрлигининг хабарида айтилишича, Америка экономикасининг ривожланиш суръатлари шу йилнинг иккинчи кварталида анча сусайиб қолган. Барча ишлаб чиқарилган молларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг жамики қиймати апрель, май ва июнь ойларида атиги 10,8 миллиард доллар кўпайган Бу эса, 1964 йилнинг охиридан бери бир кварталда эришилган энг кам ўсишдир. Бу ўсишнинг тахминан 60 процента ишлаб чиқариш кўпайтирилганлигининг натижаси бўлмасдан балки моллар нархи ошганлигининг натижаси бўлди. Таққосланувчи нархлар билан ҳисобланганда, ялпи миллий маҳсулотнинг реал кўпайиши иккинчи кварталда атиги 3,7 миллиард долларни ташкил қилди.

АҚШ савдо министрлигининг докладида айтилишича, иқтисодий ривожланиш суръатларининг сусайишига «истеъмолчилер талабининг анча қисқарганлиги» сабаб бўлган.

ТИНЧ ОКЕАНДАГИ ПОРТЛАТИШ

ПАРИЖ, 19 июль. (ТАСС). Франс пресс агентлигининг мухбири Папиэтедан (Таити ороли) хабар беради:

Бугун Франция Тинч океаннинг ядро марказидаги полигонда ўзининг иккинчи ядро синовини ўтказди. Бу синов вақтида парчаланадиган Плутонийдан қилинган бомба портлатилди. Самолётдан ташланган бу бомба атмосферанинг пастки қатламларида портлади. Франция атом бомбанинг биринчи синовини 2 июлда Тинч океан районида ўтказган эди.

Францияннинг ядро синовлари программасида келгуси ойда яна иккита портлатиш ўтказиш ҳамда шу йилнинг сентябрида иккита «ўрталик» атом бомбани синаб кўриш кўзда тутилади. Президент Де Голль сентябрда ўтказиладиган синовлар вақтида Тинч океандаги ядро марказига бормоқчи.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Секундига 3-7 метр тезликда эсаётган шамол оқими ўзгариб туради. Шамолнинг тезлиги ғарб томонда 10-12 метргача боради. 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-ғарб томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат 36-38 даража иссиқ бўлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.55 — Озодалик — саломатлик гарови (рус.), 8.25 — Польша радиооркестрлари ва солистлари концерти, 9.30 — Кристина Ямроз ижросида қўшиқлар (рус.), 11.10 — Польша олимларининг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси, 11.25—Ёш, кам таниқли поляк композиторлари, 12.50 — «Унипан» (илмий аппаратлар тайёрловчи корхона), 13.30 — Эски асбоблар — янги ансамбллар (рус.), 16.15 — «Мангу барҳаёт» (рус.), 17.00 — Польшанинг симфоник ва камер куйлари. 18.10 — Қўшиқлар, 18.30 — «Краковликлар ритмида», 19.20 — Социализм мамлакатларидаги куйлари, 20.00 — Тархомин—фармацевтика заводи (рус.), 20.10—Пойтахтимиз меҳмонлари, 20.45 — «Фан соҳиби» (радиоочерк), 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Ўзбек халқ куйлари, 22.40 — Ҳозирги поляк адабиёти проблемалари, 23.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.30 — **Математика** (Функцияларни текшириш. Темага доир масалалар). 12.40 — **Физика** (фотометрия асослари. Кўзгулар).

Рус тилида: 13.50 — **Физика** (Электромагнитизм).

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Улмас қаҳрамонлик** (болалар учун), 18.50 — **Реклама ва эълонлар**, 18.55— **Экран янгиликлари.**

20.30 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Э. Воҳидов. Палатада ёзилган поэма.** (телекомпозиция). 21.55 — **Энди сизни нима деб аташ керак** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **Концерт** (болалар учун). 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Оқ фронт** (телефильм). 19.55 — **Хореография ҳақида.**

Рус тилида: 20.35 — **Урмоннинг тиниланиши** (илмий-оммабоп фильм). 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Жазирама июль** (бадиий фильм).

ИШЧИЛАР СИНФИГА — МУНОСИБ УРИНБОСАРЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ПРОФТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БИЛДИРАДИКИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОФЕССИОНАЛ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1966/67 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилишга киришди

Билим юртлари рўспублика саноат корхоналари, ташкилотлари ва қурилишлари учун: **металл токарлари, слесарлар, тепловоз машинисти ёрдамчилари, фрезерчилар, киномеханиклар, электросварначилар, печатчиклар, ошпазлар, сотувчилар, кийим тикувчи мастерлар, пойафзалчилар, гишт терувчилар, дурадгорлар, автокранчилар, лаборантлар, операторлар, электромонтёрлар, қурувчилар ва бошқа ихтисосдаги кадрларни тайёрлайди.**

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

8—11-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар 15 ёшдан тортиб қабул қилинади.

Ўқиш муддати 1—3 йил.

Профтехника билим юртларига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Шаҳар профтехника билим юртларининг ўқувчилари бепул овқат ва кийим билан таъминланади, техника билим юртларининг ўқувчилари эса стипендия оладилар. Профтехника билим юртларида ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Профтехника билим юртларига кириши хоҳлаган ёшлар директор номига ариза ёзиб, қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: маълумоти ва ёши ҳақидаги ҳужжатларнинг асли, турар жойдан справка, 3 та фотокарточка.

Аризалар билим юртлари канцеляриясида 25 августгача қабул қилинади.

Зарур маълумотларни сўраш учун: турар жойларидаги профтехника билим юртларига, профтехника таълими область советларига ва Давлат комитетига (телефон 5-16-11, 5-23-57, 5-14-02) мурожаат қилинсин.

ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИНИНГ АДРЕСИ ВА УЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН МУТАХАССИСЛАР:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:

№2 — Полиграф кўчаси, Авиацион проезд, 10-уй —металлистлар;
№4 — Педагогическая кўчаси, 65-уй — киномеханиклар, алоқачилар;
№5 — Богдан Хмельницкий кўчаси, 55-уй, — тикувчилар, пойафзалчилар;
№9 — Чилонзор массив, Нурхон кўчаси, 21-уй — полиграфчилар;
№11 — Физкультурная кўчаси, 8-уй — электриклар;
№ 14 — Сельмаш кўчаси, 14-уй — металлистлар;
№ 22 — Астрахань кўчаси, 12-уй — қурувчилар;
№ 30 — Заводская кўчаси, 34-уй — савдо ходимлари;
№ 31 — Ўзбекистон кўчаси, 53-уй — темир йўллар учун мутахассислар;
№ 36 — Сағбон кўчаси, Пахта маҳалла, 13-уй — қурувчилар;
№ 40 — Луначарский шоссе, 69-уй — қурувчилар (қурилиш механизмларида ишлаш учун).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА:

№ 3 — Ангрен шаҳар, Жданов кўчаси, 38-уй— механизаторлар;
№ 12 — Чирчиқ шаҳар, Крилов кўчаси, 130-уй — қурувчилар;
№ 13 — Чирчиқ шаҳар, Совет кўчаси, 24-уй — металлистлар;
№ 17 — Ангрен шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй — қурувчилар;
№ 18 — Янгийўл шаҳар, Туркманбоғ — металлистлар;
№ 19 — Чирчиқ шаҳар, Железнодорожная кўчаси, 103-уй — металлистлар;
№ 34 — Чирчиқ шаҳар, Танк кўчаси, 52-а уй — қурувчилар;
№ 41 — Олмалиқ шаҳар, Свердлов кўчаси, 19-уй —қурувчилар;
№ 43 — Бекобод шаҳар, Сирдарё кўчаси, 27-уй — қурувчилар;
№ 50 — Олмалиқ шаҳар, Нижняя терраса — қурувчилар.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДА:

№ 42 — Пахтаорол райони—қурувчилар.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДА:

№ 1 — Фарғона шаҳар, Октябрь 25 йиллиги кўчаси, 55-уй — химиклар, металлистлар;
№ 7 — Фарғона шаҳар, Октябрь 25 йиллиги кўчаси, 10-уй — тўқимачилар;
№ 15 — Қўқон шаҳар, «Правда» кўчаси, 2/58-уй — қурувчилар;
№ 24 — Фарғона шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 82-уй — қурувчилар;
№ 25 — Фарғона шаҳар, Энтузиастлар кўчаси, 9-уй — қурилиш учун механизаторлар;
№ 27 — Қўқон шаҳар, Грузовая кўчаси, 27-уй — темир йўллар учун мутахассислар;
№ 28 — Қўқон шаҳар, Куйбишев кўчаси, 15-уй — трикотажчилар;
№ 52 — Қиргули посёлкаси — қурувчилар.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДА:

№ 10 — Андижон шаҳар, Октябрь кўчаси, 243-уй — металлистлар;
№ 23 — Наманган шаҳар, Ленин кўчаси, 101-уй — қурувчилар;
№ 37 — Андижон шаҳар, Муқимий кўчаси, 12-уй — қурувчилар;
№ 51 — Наманган шаҳар (социалистик шаҳарча) — тўқимачилар;
№ 54 — Қорабағиш посёлкаси — қурувчилар;
№ 55 (техника билим юрти) — Андижон шаҳар, «Ирмаш» заводи — металлистлар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА:

№ 6 — Самарқанд шаҳар, Фруктовая кўчаси, 2-уй — озиқ-овқат саноати ишчилари ва электриклар;
№ 8 — Самарқанд шаҳар, Ленин кўчаси, 57-уй — қурувчилар;
№ 16 — Самарқанд шаҳар, Красноармейское шоссе, 100-уй — металлистлар;
№ 32 — Каттақўрғон шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 50-уй — металлистлар;
№ 53 — Самарқанд шаҳар, Красноармейское шоссе, 25-уй — қурувчилар.

БУХОРО ОБЛАСТИДА:

№ 21 — Бухоро шаҳар, Ульянов кўчаси, 4-уй — қурувчилар;
№ 29 — Навоий шаҳар, Химкомбинат — химиклар;
№ 60 (техника билим юрти) — Бухоро шаҳар, Военкомат кўчаси, 10-уй — қурувчилар.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА:

№ 26 — Урганч шаҳар, Киров кўчаси, 13-уй — қурувчилар;
№ 48 — Қўшкўпир қишлоғи — қурувчилар.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА:

№ 35 — Термиз шаҳар, Пролетар кўчаси, 8-уй — қурувчилар;
№ 47 — Ишчилар посёлкаси Тахчиён — тошкўмирчилар, қурувчилар;
№ 59 (техника билим юрти) — Шеробод шаҳар, 8 Март кўчаси, 25-уй — механизаторлар.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДА:

№ 33 — Қарши шаҳар (13-почта бўлими) — қурувчилар, электриклар;
№ 38 — Қарши шаҳар, Спорт проезд, 2-уй — темир йўллар учун мутахассислар;
№ 58 (техника билим юрти) — Чимқўрғон посёлкаси — қурувчилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА:

№ 20 — Тахиатош шаҳар, Ленин кўчаси, 6-уй — қурувчилар;
№ 39 — Нукус шаҳар, Қўнғирот кўчаси, 31-уй — қурувчилар;
№ 56 — Қўнғирот шаҳар — нефтчилар;
№ 61 (техника билим юрти) — Нукус шаҳар, Қўнғирот кўчаси, 31-уй — савдо ходимлари;
№ 57 (техника билим юрти) — Нукус шаҳар, Ленин проспекти, 51-уй — механизаторлар, қурувчилар.

Тошкент политехникуми

1966/67 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумнинг **кундузги, кечки ва сиртқи** бўлимларидаги ихтисослар:

Кундузги бўлимда: тикувчилик фабрикаларининг машина ва ускуналари, пахтани дастлабки ишлаш ускуналари ва технологияси, мебелчилик, тикувчилик, кўн-буюмлар технологияси, пойафзал моделлаш ва кўнги бадиий безаш, кийимни моделлаш ва конструкциялаш, пахта товаршунослиги;

кечки бўлимда: тикувчилик фабрикаларининг машина ва ускуналари, мебелчилик, тўқимачилик, тикувчилик, кўн-буюмлар технологияси, пахта йигириш;

сиртқи бўлимда: пахтани дастлабки ишлаш ускуналари ва технологияси, мебелчилик, тикувчилик, кўн-буюмлар технологияси, «високая печать» технологияси, пахта товаршунослиги.

Кундузги бўлимга аризалар 31 июлгача, кечки ва сиртқи бўлимларга эса 15 августгача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 26-уй.

Чирчиқ шаҳридаги

12-профтехника билим юрти

1966/67 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртидаги ихтисослар: **гишт терувчи, дурадгор, бўёқчи.** Ўқиш муддати — бир йил. 7—8-синф ҳажмида маълумоти, 16-17 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади; **сувоқчи-бўёқчи-плиткачи, сантехника слесари, автокран машинисти, бетончи-монтажчи, бетончи-арматурачи, электрогазосварвачи.** Ўқиш муддати—2 йил. 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15-16 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Қабул қилинганлар бепул овқат, форма кийим билан, бошқа жойлардан келганлар ётоқ билан ҳам таъминланади.

Совет Армиясидан демобилизация этилганлар ва ҳарбий хизматдан озод қилинган 25 ёшгача кишилар ҳам қабул қилинади.

Директор номига ёзилган аризага тегишли ҳужжатлар қўшиб берилади.

Мурожаат учун адрес: Чирчиқ шаҳар. Железнодорожная кўчаси, 138-уй, телефон 39-81, 22-71.

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

23 июль кундуз соат 5 да Совет Иттифоқи биринчилиги учун **«Политотдел» (Тошкент области)—«Луч» (Владивосток)** командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Навоий номли театр. Революция сквери ва Қўйлиқдан стадионга махсус автобуслар қатнайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг маданият бўлими мудири Ўртоқ С. Ш. Шермуҳамедова отаси

Тошпўлат **ШЕРМУҲАМЕДОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 137263. Партия турмуши — 833469, 837221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалик — 837604. Адабиёт ва санъат — 832036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451. Маҳаллий ахборот — 132347. Оммавий ишлар ва хатлар — 839005, 833553. Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830250, 130251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258.

№ 164. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 06599.